

Оилавий низога аралашиш эмас, тўғри ечим топиш муҳим

2-с.

Ёшларнинг муаммосидан эмас, имкониятидан сўзлайдиган муҳитни яратдик

3-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

2026 ЙИЛ
7 ОКТЯБРЬ,
ЧОРШАНБА

Mahalla

№81
(2409)

ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИН

WWW.UZMAHALLA.UZ

МАҲАЛЛА ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИЙ БУЮРТМАЧИСИГА АЙЛАНАДИ

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

“Маҳалла еттилиги” тажрибаси Европада эътироф этилди

Австриянинг Вена шаҳрида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) ташкил этган одам савдосига қарши курашиш бўйича миллий координаторлар ва маърузачилар учрашувида Ўзбекистон делегацияси ҳам иштирок этди.



Тадбир доирасида Марказий Осиё давлатларининг одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги миллий тизимлари, мавжуд муаммолар ва минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистоннинг одам савдосининг олдини олиш, жабрланган шахсларни ҳимоя қилиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги тажрибаси тақдим этилди.

Хусусан, **“маҳалла еттилиги”** тизимининг аҳоли билан бевосита ишлаш, ижтимоий хавф гуруҳларини барвақт аниқлаш, муаммоларни манзилли ҳал этиш ҳамда **маҳалла даражасида** давлат ва жамоат институтлари фаолиятини мувофиқлаштиришдаги имкониятлари ҳақида маълумот берилди.

Шунингдек, ҳудудий комиссиялар фаолияти, одам савдосидан жабрланган шахсларга **комплекс ижтимоий хизматлар кўрсатиш** ва соҳанинг институционал асосларини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Ўзбекистоннинг мазкур стратегик ёндашувини иштирокчи давлатлар ижобий баҳолаб, одам савдосининг олдини олиш ва ижтимоий ҳимоя тизимларини маҳаллий даражада ўзаро боғловчи амалий тажриба сифатида қайд этди.

БУГУНГИ СОНДА:

“Соғлом турмуш тарзи тарғиботдан анъанага айлангани — энг катта натижамиз!”

Ҳар бир маҳаллада кичик ўқув марказлари бўлишини истардим. Аёл уйидан узоққа кетмай, ўз маҳалласида касб ўрганса, бунинг ўзи катта имконият. Бири тикувчиликни, бири новвойликни, яна бири ширинлик тайёрлашни ўрганади.

4-с.

Ишонч пул билан ўлчанмайди, аммо унинг баҳоси бор...

Коррупцияга қарши семинарлар, ўқувлар ва тушунтириш ишлари, аввало, қоғоздаги ҳисобот учун эмас, ходимнинг кундалик фаолиятида ўз аксини топиши керак. Солиқ инспектори солиқ мажбурияти билан ишлаётганини яхши англаши лозим.

5-с.

Оқибат билан курашишдан сабабни топиш осон

Фарзандларимизнинг чет элларга ўқишга юборяпмиз. Улар дунё тараққиётидан баҳраманд бўлишади. Аммо юртимизга қайтиб келишсагина бу ҳол, яхши. Бўлмаса, миллатимизнинг ноёб гулларини бировларга текинга тақдим этган бўламиз.

6-с.



МАҲАЛЛА: ЯНГИ ДАВР, ЯНГИ ЁНДАШУВ

МАҲАЛЛАНИНГ КЎРИНМАС ИҚТИСОДИЙ ЗАХИРАСИ:

Бўш турган бино қачон моддий қийматга айланади?

МАҲАЛЛА ҲУДУДИДАГИ БЎШ ТУРГАН БИНО ВА ИНШООТЛАР, ШУНИНГДЕК, МАҲАЛЛА ИДОРАЛАРИДА ФОЙДАЛАНИЛМАЁТГАН ХОНАЛАР КЎПИНЧА ҲИСОБДА БОР, АММО ИҚТИСОДИЙ АЙЛАНМАГА КИРИТИЛМАГАН РЕСУРС БЎЛИБ ҚОЛАДИ. АСЛИДА ЭСА УЛАРНИНГ ҲАР БИРИ ТАДБИРКОРЛИК, ХИЗМАТ КЎРСАТИШ, ИШ ЎРНИ ВА МАҲАЛЛА ИНФРАТУЗИЛМАСИ УЧУН ҚЎШИМЧА МАНБА БЎЛИШИ МУМКИН.

“Маҳалла бошқарувини самарали ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент фармонига кўра, 2026 йил 1 июлдан бошлаб, **маҳалла биноларининг бўш турган хоналари** “E-auksion” электрон савдо платформасида электрон онлайн аукцион орқали ижарага берилади. Ижарага беришдан тушган барча маблағлар **маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш ва ривожлантиришга** йўналтирилади.

Худди шундай, **маҳаллаларда бўш турган бино-иншоотлардан самарали фойдаланиш** мақсадида уларнинг рўйхати шакллантирилади ва фуқаролар эътиборига ҳавола этиш учун маҳалла биноларида қулай жойга илиб қўйилади. **Хорижий ва маҳаллий инвесторларни жалб қилган ҳолда**, аҳоли учун зарур бўлган хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш ва бошқа тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш кўзда тутилади.

Хўш, бу жараёнда “маҳалла еттилиги” нималарга эътибор қаратиши керак? Бўш турган биноларни қай тартибда аниқлаш, аукционга чиқариш, маҳалланинг иқтисодий фаоллигини оширадиган ресурсга айлантириш мумкин?

Давоми 2-саҳифада.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

Салоҳиятнинг қадри у натижада кўринганда билинади

Маҳаллада ишлаш жараёнида бир нарсага амин бўласиз: ҳар бир хонадоннинг ўз имконияти бор. Кимдир ҳунарини ишга солиши мумкин, кимдир томорқасидан даромад олади, яна кимдир тадбиркорлик бошлашга интилади. Масала — шу имкониятни вақтида кўриш ва унга йўл очиб беришда.



Шунинг учун “маҳалла еттилиги” оилаларнинг эҳтиёжлари билан бирга, имкониятларини ҳам ўрганишга ҳаракат қиламиз. Оилада доимий даромад манбаи пайдо бўлса, унинг ҳаётидаги кўплаб муаммолар ҳам ўз-ўзидан енгиллашади. Маҳалламиздаги 22 та камбағал оила билан ишлашда ҳам асосий эътиборни шу масалага қаратяпмиз.

Давоми 2-саҳифада.

МУҲОКАМА УЧУН МАВЗУ

Хорижга ўзбек номини қандай танитяпмиз?

Кўпинча ватанпарварлик деганда, баландпарвоз сўзлар хаёлимизга келади. Аслида эса унинг энг оддий ва таъсирчан кўриниши инсоннинг кундалик хатти-ҳаракатларида намоён бўлади.

8-саҳифада.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг!

@mahalla_raislari
@mahalladosh_1
@mahalladosh

ОДАМЛАР ҚАЙҒУСИДАН ПУЛ ИШЛАШ — ТАДБИРКОРЛИК ЭМАС, НОИНСОФЛИКДИР!



6

ФАРЗАНДНИ ТАРБИЯЛАШДАН ОЛДИН УНИ АНГЛАШ КЕРАК



7

МАҲСУЛОТНИ ТУРЛИ НАРХДА СОТИШ МУМКИНМИ?



8



ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ куз-қиш мавсумида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича таклифлар тақдимоти билан танишди.



Маҳаллаларда кузги кўчат экиш мавсумида 30 МИЛЛИОН ТУП МЕВАЛИ ВА МАНЗАРАЛИ КЎЧАТ экилади.




Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари НУКУС ШАҲРИДАГИ “ТОШЛОҚ” ВА “ҚУТЛИ МАКОН” МАҲАЛЛАЛАРИДА “еттилик” билан учрашди.

СЕМИНАР

Оилавий низога аралашиш эмас, тўғри ечим топиш муҳим

Ўрта Чирчиқ туманида “Оилавий низоларни медиация йўли билан ҳал этиш” мавзусида “маҳалла еттилиги” аъзолари учун амалий ўқув-семинар ташкил этилди.



Семинарда таъкидланганидек, **оиладаги ҳар бир келишмовчиликни бир хил усулда ҳал этиб бўлмайди.** Айрим ҳолатларда тарафларга ҳуқуқий тушунтириш зарур бўлса, бошқа вазиятда уларни холис суҳбатга жалб этиш, ҳар икки томоннинг манфаатини эшитиш ва низонинг асл сабабини аниқлаш муҳим. Шу нуқтаи назардан медиация низонинг ўзига эмас, уни келтириб чиқарган сабабларга ҳам эътибор қаратиш имконини беради.

— Машғулотларда “маҳалла еттилиги” аъзолари оилавий низо ҳақида мурожаат келиб тушганида уни қандай тартибда ўрганиши, қайси ҳолатларда медиатор иштирокини таъминлаш мумкинлиги, томонларнинг ихтиёрийлиги ва тенглиги қандай кафолатланиши юзасидан амалий тушунтиришлар олди, ***— дейди Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси бўлим бошлиги Аҳрор Ғуломов.*** *— Низолашаётган эр-хотинни бир томоннинг гапи асосида баҳоламаслик, ҳар икки тарафни алоҳида эшитиш, можаронинг сабабини — моддий муаммо, ишсизлик, мулкий масала, қариндошлар аралашуви ёки ўзаро ишончсизлик каби омилларни аниқлаш зарурлигига урғу берилди. Шунингдек, медиациянинг суд жараёнидан фарқи, унинг асосий тамойиллари ва низони ўзаро келишув асосида ҳал этиш имкониятлари батафсил тушунтирилди.*

Семинарнинг яна бир муҳим жиҳати — зўравонлик ёки тазйиқ мавжуд бўлган вазиятларда медиацияни оддий оилавий келишмовчилик сифатида баҳоламаслик масаласига эътибор қаратилганидир. Бундай ҳолатларда, аввало, жабрланган шахснинг хавфсизлиги, унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, тегишли мутасадди идоралар билан ҳамкорликда чора кўриш зарурлиги уқтирилди.

Амалий машғулотлар давомида турли ҳаётий вазиятлар мисолида **низонинг қайси босқичида маҳалла аралашиши, қайси муаммони суҳбат ва маслаҳат орқали ҳал қилиш, қайси ҳолатда эса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ёки бошқа ваколатли органларга мурожаат қилиш** кераклиги муҳокама қилинди. Бу “маҳалла еттилиги” аъзолари учун оилавий муаммога фақат оқибат юз бергандан кейин эмас, унинг дастлабки белгилари пайдо бўлган пайтда муносабат билдириш муҳимлигини яна бир бор кўрсатди.

Тадбирда профессор-ўқитувчилар, соҳа мутахассислари ва мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирок этиб, иштирокчиларнинг саволларига жавоб берди. Якунда **маҳаллаларда оилавий низоларни барвақт аниқлаш**, мурожаатларни манзилли ўрганиш, зарур ҳолларда медиаторлар ва тегишли мутахассисларни жараёнга жалб этиш ҳамда ташкилотлараро ҳамкорликни тизимли йўлга қўйиш бўйича вазифалар белгилаб олинди.

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

МАҲАЛЛА: ЯНГИ ДАВР, ЯНГИ ЁНДАШУВ

МАҲАЛЛАНИНГ КЎРИНМАС ИҚТИСОДИЙ ЗАХИРАСИ:

Бўш турган бино қачон моддий қийматга айланади?

Санжар ИСМАТОВ, «Mahalla» мухбири.

ҲАР БИР ОБЪЕКТНИНГ ШАРТЛИ “ПАСПОРТИ” БЎЛСА...

Бўш турган бино-иншоотларнинг ягона ва тўлиқ рўйхатини шакллантириш **биринчи қадам бўлади**. Ҳар бир бино бўйича унинг майдони, жойлашуви, кадастр ва ҳуқуқий мақоми, коммуникацияларга уланган, кириш-чиқиш имконияти, техник ҳолати, таъмирга эҳтиёжи, аҳоли оқими ва қайси фаолият турига мослиги каби маълумотлар шакллантирилиши мақсадга мувофиқ.

Чунки 100 квадрат метрлик икки хонанинг иқтисодий қиймати бир хил бўлмаслиги мумкин. Бири асосий кўча бўйида, электр қуввати ва сув тармоғи мавжуд жойда бўлса, иккинчиси аҳоли оқими кам ҳудудда ва катта таъмир талаб қилади. Биринчиси савдо ёки хизмат кўрсатиш учун қулай бўлиши мумкин, иккинчиси эса кичик ишлаб чиқариш ёки омбор сифатида самаралироқ ишлатилади.

Шунинг учун **ҳар бир иморатнинг шартли “паспорти” бўлиши** лозим. Унда объектнинг имконияти, мавжуд инфратузилмаси, чекловлари ва ундан фойдаланиш йўналишлари аниқ кўриниши керак. Бу ишда “маҳалла еттилиги”нинг вазифаси ҳудуддаги ҳақиқий ҳолатни аниқлаш, аҳоли эҳтиёжини ўрганиш ва тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда объект ҳақида тўлиқ маълумот шакллантиришдан иборат бўлади.

Бўш турган бинолар ҳақидаги маълумотларни фуқаролар эътиборига ҳавола қилиш муҳим. Бу талабни шунчаки расмий вазифа сифатида қабул қилиш тўғри эмас. Чунки маҳаллада қандай объект борлиги, унинг майдони қанча экани, қаерда жойлашгани ва қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ҳақида очиқ ахборот бўлса, бу тадбиркор учун ҳам имконият, жамоатчилик учун ҳам очиқлик мезони бўлади.

Акс ҳолда, маҳаллада бўш бино борлигини биров билади, бошқаси билмайди. Шунинг учун рўйхатни маҳалла биносида қулай жойга илиб қўйиш билан бирга, имконият даражасида электрон шаклда ҳам очиқлаш мақсадга мувофиқ. Манзил, майдон, ҳолати, коммуникациялари ва фойдаланиш йўналиши ҳақидаги аниқ маълумот тадбиркорнинг қарор қабул қилишини осонлаштиради.

АУКЦИОН — ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФНИ ТОПИШ ЖАРАЁНИ

Маҳалла марказидаги бўш хона ижарага берилди, дейлик. Агар унда аҳолига керак бўлмаган фаолият ташкил этилса ёки ижарачи объектдан фойдаланмай, уни ёпиқ ҳолда сақласа, расмий жиҳатдан ижара шартномаси тузилган бўлади, аммо маҳалла иқтисодиёти ҳеч нарса ютмайди. Шу боис объектни аукционга тайёрлашда унинг жойлашуви, мақсади, инфратузилмаси ва ундан кутилаётган фойдаланиш натижасига жиддий қараш зарур.



Ҳар бир маҳаллада эҳтиёж бир хил эмас. Қайсидир ҳудудда болалар учун ўқув марказига талаб юқори бўлиши мумкин. Бошқа бир маҳаллада маиший хизмат, тиббий хизмат, умумий овқатланиш, кичик ишлаб чиқариш ёки касб-ҳунар ўргатиш марказига эҳтиёж бор. Шунинг учун “маҳалла еттилиги” бўш объектлар атрофида қандай эҳтиёж борлигини ҳам кўриши керак.

Масалан, бир маҳаллада аёллар бандлигини ошириш учун тикувчилик цехига шароит бор, аммо шундай хизмат йўқ. Бошқа ҳудудда аҳолига яқин маиший хизмат шохобчаси етишмайди. Яна бир жойда ёшларга касб ўргатиш марказига талаб мавжуд. Аҳоли эҳтиёжи, ҳудуднинг имконияти ва тадбиркорлик салоҳияти бир нуқтада уйғунлаштирилса, бўш турган хона муайян ижтимоий-иқтисодий вазифани бажара бошлайди.

МАҲАЛЛАГА ИНВЕСТОР КЕЛИШИ КЕРАК

Бўш турган биноларга маҳаллий ва хорижий инвесторларни жалб қилиш муҳим вазифа. Лекин инвесторни фақат “хона бор” деган таклиф билан қизиқтириб бўлмайди. Унга тайёр иқтисодий имконият кўрсатилиши керак.

Бино қаерда жойлашган? Унинг атрофида қанча аҳоли бор? Қандай хизматга талаб мавжуд? Электр қуввати етарлими? Сув, газ, канализация ва интернет масаласи қандай? Транспорт ва кириш-чиқиш имконияти борми? Қанча иш ўрни яратиш мумкин?

Шу саволларнинг жавоби олдиндан тайёр бўлса, тадбиркор объектни баҳолаш учун вақт сарфламайди. Айниқса, хорижий инвестор билан ишлашда ҳуқуқий аниқлик, инфратузилма ва мажбуриятларнинг очиқ белгиланиши ишонч учун муҳим.

Аукционда ғолиб аниқланиб, шартнома тузилгани билан иш тугамайди. Аксинча, ҳақиқий натижа шу ердан бошланади. Бўш турган хона ижарага берилиб, кейин яна ойлаб ёпиқ турса, буни самарали фойдаланиш, деб бўлмайди. Шунинг учун назорат мезонини “ижарага берилдими?”дан “ишлаяптими?”га ўтказиш керак. Ижара тўловининг ўз вақтида тушиши билан бир қаторда, объектнинг ишлаши, яратилган иш ўринлари, кўрсатилаётган хизматлар, ишлаб чиқариш ҳажми ва аҳоли эҳтиёжига таъсири ҳам эътиборда бўлиши лозим.

Ижарага беришдан тушадиган маблағларни маҳалла инфратузилмасини яхшилаш ва ривожлантиришга йўналтириш — бу жараённинг яна бир муҳим жиҳати. Ижарадан тушган маблағ ҳисобидан ҳудудни ободонлаштириш, ички йўлакларни тартибга келтириш, ёритиш тизимини яхшилаш, болалар ёки спорт майдонларини таъмирлаш каби ишлар амалга оширилса, аҳоли бу қийматнинг иқтисодий фойдасини бевосита ҳис қилади.

Шу маънода, бугун маҳалладаги бўш турган биноларга иқтисодий манба сифатида қараш вақти келди. Унинг ҳар бири тадбиркорликка, хизматга, бандликка ёки инфратузилмага айлансин. Шунда “E-auksion” орқали ўтказиладиган ҳар бир савдо маҳалла ҳаётида пайдо бўлган аниқ натижа билан ўлчанади.

ЖАРАЁН

“ОҒИР” маҳаллага яқин борилса, ечимлар кўринади

Республика ишчи гуруҳи аъзолари Дўстлик туманидаги “оғир” тоифадаги маҳаллаларда аҳоли учун яратилган шароитлар, мавжуд имкониятлар ва фойдаланиш мумкин бўлган захираларни ўрганди.

“Бунёдкор” маҳалласидаги вазиятни яхшилаш, аҳоли бандлиги ва даромад манбаларини кенгайтириш мақсадида Республика бюджетидан 2 миллиард сўм, маҳаллий бюджетдан 1 миллиард сўм маблағ ажратилган. Бу маблағлар ҳисобидан 1,3 километр пиёдалар йўлаги барпо этилди, 30 та замонавий тунги ёритиш чироғи ўрнатилди, 1,5 километр ички йўл асфальтланди. Маҳалла марказида кичик бозорча ва ҳунармандчилик маркази ташкил этилди.

Бир қарашда инфратузилмага оиддек туюлган бу ишлар, аслида, ҳудуднинг иқтисодий фаоллиги учун ҳам муҳим замин яратаётир. Бу жараёнда энг муҳим йўналишлардан бири хотин-қизлар бандлигини таъминлашдир. Маҳаллада ташкил этилган ҳунармандчилик марказида айни пайтда 25 нафар хотин-қиз тикувчилик билан шуғулланиб, меҳнати орқали даромад топмоқда. Яна 30 нафардан зиёд хотин-қиз хонадонларида касаначилик асосида тикувчилик фаолиятини йўлга қўйган.



Тикувчилик соҳасидаги имкониятлар бундан ҳам кенг. Республика ишчи гуруҳи аъзолари “Бунёдкор тикувчи қизлари” масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан танишиб, корхонада яратилган шароитлар, мавжуд қувват, фойдаланилмаётган захиралар ва фаолиятдаги муаммоларни ўрганди. “Нодира” тикувчилик ўқув марказида эса тикувчилик касбини эгаллаш истагидаги аёлларга назарий билим ва амалий кўникмалар берилмоқда.

Республика ишчи гуруҳи “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла” дастури доирасида “Саритепа” маҳалласида амалга оширилаётган ишлар билан танишди. Ўрганишлар давомида маҳалладаги бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, аҳоли учун яратилган қулайликлар, ишга туширилган янги лойиҳалар ҳамда ҳудудни янада ривожлантириш бўйича режаларга эътибор қаратилди.

Шунингдек, Ишчи гуруҳи “еттилик” аъзолари билан мулоқот қилиб, янги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишда маҳалла вакилларининг иштироки ва уларнинг аҳоли билан ишлашдаги ўрни билан қизиқди. Мулоқотда маҳаллада аҳоли бандлигини таъминлаш, даромад манбаларини кўпайтириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳудудни янада ободонлаштириш борасидаги вазифалар муҳокама қилинди.

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

Салоҳиятнинг қадри у натижада кўринганда билинади

Фурқат НОРҚЎЗИЕВ, Шароф Рашидов туманидаги “Эски Тошкентлик” маҳалласи раиси.

Маҳаллада тадбиркор Бунёд Мамировнинг паррандачилик фаолиятини кенгайтириш ташаббуси муҳим имкониятлардан бири бўлди. У 100 миллион сўм кредит ҳисобига 800 бош товуқ билан иш бошлади. Бугун эса хўжаликда 3 мингдан ортиқ парранда бор, кунига 600-650 дона тухум олинади. Жўжа етиштириш, шунингдек, 200 та курка ва 280 та ўрдак боқиш ҳам йўлга қўйилган.

Бу рақамларга фақат тадбиркорнинг натижаси сифатида қарамаслик керак. Мен учун бу ердаги асосий кўрсаткич — имкониятнинг қанчалик тез иш ўрнига ва оила даромадига айланаётгани. Тадбиркор келгусида яна 2 минг бош товуқ олиб келиш ва кооперация асосида 10 та иш ўрни яратишни режалаштирган. Ушбу ўринларга, биринчи навбатда, маҳалламиздаги камбағал оилалар вакилларини жалб қилиш кўзда тутилмоқда.

Шундай ҳолатларда “еттилик”нинг фаолияти тадбиркорга кредит олиб бериш билан тугамаслиги керак. Энг муҳими — бошланган ишнинг юриб кетиши. Қанча маҳсулот ишлаб чиқариляпти, даромад ошяптими, яна кимни ишга олиш имкони бор — шу масалаларни ҳам кузатиб бориш зарур.



“Еттилик”нинг вазифаси ҳам шу ерда ўзгаради. У фақат мурожаатни қабул қилувчи ёки мавжуд муаммони ҳал қилувчи бўлиб қолмаслиги керак. Маҳаллада қайси имконият борлигини кўрадиган, уни ким билан боғлаш мумкинлигини биладиган ва натижасини талаб қиладиган ташаббускор жамоа бўлиши зарур. Яъни “еттилик” маҳалланинг иқтисодий буюртмачиси сифатида ишлаши лозим.

Бунинг учун ҳар бир маҳаллада имкониятлар харитасини шакллантириш даркор. Бўш турган бино ва ерлар, томорқалар, мавжуд тадбиркорлар, касб-ҳунарга эга аҳоли, иш излаётган фуқаролар, кооперацияга қўшилиши мумкин бўлган оилалар — буларнинг барчаси бир тизимда кўрилса, ишлаш осонлашади. Менимча, маҳалладаги фаолиятнинг энг тўғри мезони ҳам шу: қанча оила мустақил даромадга эга бўлди, қанча фуқаро ишга жойлашди, қанча тадбиркор ўз фаолиятини кенгайтирди...

“Эски Тошкентлик”да 800 бош товуқ билан бошланган ишнинг 3 мингдан ошгани кичик имкониятни ҳам тўғри йўналтирса, у катта натижа бериши мумкинлигини кўрсатди. Энди асосий вазифа — шу натижани яна бошқа хонадонларга ҳам етказиш.



ЎЗБЕКИСТОН РОБОТОТЕХНИКА МИЛЛИЙ ЖАМОАСИ
196 та мамлакат иштирок этадиган Кореядаги жаҳон чемпионатига йўл олди.



“Беш ташаббус” олимпиадаси доирасида МАҲАЛЛА ЁШЛАРИ ЎРТАСИДА ташкил этилган “Заковат” интеллектуал мусобақаси якунланди.



“Yoshlar Ventures” жамғармаси “Global Student Entrepreneur Awards” халқаро танлови билан ҳамкорлик ўрнатди. Талаба ёшлар тадбиркорлик мусобақасида қатнашади.

Mahalla

№81

2026 ЙИЛ
7 ОКТЯБРЬ,
ЧОРШАНБА

Мағлубиятдан кейин ҳам ҳаракатни давом эттиришга ундай олиш — ғалабанинг ўзи каби муҳим

КИМДА ИҚТИДОР ЙЎҚДИР...

ҲАР БИР ҚИЙИНЧИЛИК ОРТДА ЯНГИ ТАЖРИБА ҚОЛДИРАДИ

Инсоннинг келажакдаги йўлини баъзан кутилмаган муваффақиятсизлик ҳам белгилаб беради. Қувасой шаҳридаги “Зийнат” маҳалласида истиқомат қилувчи Муҳаммаджон Отаевнинг ҳаётидаги айрим бурилишлар ҳам айнан шундай кечган.

Саидазиз АСЛИДДИНОВ.

Бугун АҚШдаги Жорж Вашингтон университети бизнес мактабини тамомлаган, бир нечта стартап ва бизнес лойиҳаларини йўлга қўйган Муҳаммаджоннинг бу даражага етиб келишида нафақат яхши таълим, балки хатолардан хулоса чиқариш, қайта уриниб кўриш ва ўз устида ишлаш ҳам муҳим ўрин эгаллаган.

2019 йилда у Тошкентдаги Вестминстер университетида таҳсил олаётган пайтида “Work & Travel” дастури орқали АҚШга борди. Аммо у тасаввур қилган Америка ҳаёти ўрнига Айова штатидаги кичик Спирит-Лейк шаҳарчасидаги сокин ва бир маромдаги кунларга дуч келди. Дастлаб бу ҳолат уни тушкунликка солди. Кейинчалик эса айнан ўша зерикарли туюлган тўққиз ҳафта унинг келажак ҳақида жиддийроқ ўйлашига сабаб бўлди. Бўш вақтида китоб ўқиди, онлайн курсларда қатнашди, ўз олдига катта мақсадлар қўя бошлади.



Ўзбекистонга қайтгач, “Smart Chain” компаниясида лойиҳа менежери сифатида ишлади. 100 дан ортиқ музей ва 30 дан зиёд тарихий обидада кенгайтирилган борлиқ технологиясини жорий этишга ҳисса қўшди. Шу билан бирга, дўстлари билан NFT йўналишида бизнес бошлашга уриниб кўрди. Лойиҳа кутилган натижани бермади. Аммо Муҳаммаджон учун бу мағлубият тушуниш ва таваккалнинг оқибатларини англаш мактаби бўлди.

Кейинги босқичда у ўз билимини янада чуқурлаштиришга қарор қилди. 13 та хорижий университетга ҳужжат топшириб, саккиztасидан ижобий жавоб олди ва Жорж Вашингтон университетининг бизнес мактабини танлади. Бу ерда у бизнесга фақат назария сифатида эмас, аниқ муаммоларга ечим топиш воситаси сифатида қарашни ўрганди. Стратегик режалаштириш, рақамлаштириш ва замонавий бошқарув ёндашувлари унинг кейинги фаолиятига мустаҳкам асос бўлди.

Таълимдан кейин АҚШдаги компанияларда бизнесни ривожлантириш бўйича тажриба орттирар экан, турли ташкилотларда стратегия ва рақамли воситалардан фойдаланиш имкониятлари ҳали тўлиқ ишга солинмаганини кўрди. Шу кузатув “Atayev&Co” бизнес консалтинг компаниясини ташкил этиш ғоясини юзага келтирди. Компания стратегик режалаштириш, рақамлаштириш ва сунъий интеллект асосидаги ечимлар орқали бизнесларга ривожланишда кўмаклашмоқда.

Муҳаммаджоннинг яна бир лойиҳаси эса бевосита ёшлар билан боғлиқ. Хорижий университетларга ҳужжат топшириш жараёнида ўзи дуч келган қийинчиликлар, айниқса, ўз ютуқ ва имкониятларини тўғри намоён қила олмаслик муаммоси уни “Pathway Consulting” стартапини яратишга ундади. Лойиҳа ёшларнинг қобилияти, кўникмаси ва қизиқишларига мос таълим йўналишини танлашига ҳамда хорижий университетларга ҳужжат топшириш жараёнида тайёргарлик кўришига ёрдам беради.

Муҳаммаджон учун хорижда орттирилган тажрибанинг энг катта қиймати уни ўзи билан олиб қолиш эмас, бошқаларга ҳам етказишдир. Шу сабабли Жорж Вашингтон университетининг бизнес мактаби ва Ўзбекистон Инновацион ривожланиш агентлиги ўртасидаги ҳамкорликни йўлга қўйишда иштирок этди. Мақсад — янгича ёндашувларни Ўзбекистонга олиб кириш, стартап менторларини тайёрлаш ва маҳаллий лойиҳаларни халқаро майдонга олиб чиқишга кўмаклашиш.

МАҲАЛЛАДА САНОАТ ВА ХИЗМАТ

“МЕН УДДАЛАЙ ОЛМАЙМАН”, ДЕГАН ҲАДИКНИ ЙЎҚОТДИК, ТАДБИРКОРЛИК ИШОНЧИ МУСТАҲКАМЛАНДИ

Иш куним рақамлар, жадваллар ёки ҳисоботлар билан эмас, маҳалладошларимнинг хонадонига кириб, дардини эшитиш билан бошланади. Зеро камбағалликни қоғоздаги рақамларни камайтириш билан тугатиб бўлмайди. Бунинг учун ҳар бир инсоннинг қалбига йўл топиш керак.

Нўъмон ФАРМОНОВ,
Шаҳрисабз шаҳридаги “Пиллакашлик” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси вазифасини бажарувчи.

Маҳалламизда 910 та хонадон бўлиб, 3 минг 549 нафар аҳоли яшайди. Вазифам — уларнинг ичидан меҳнатга лаёқатли, аммо йўлини топа олмаётган фуқароларни аниқлаб, кўмак беришдир. “Маҳаллабай” ўрганишларимиз ва иқтисодий таҳлилларимиз натижасида ҳудудда 177 та тадбиркорлик субъектини ривожлантиришга эришдик. Савдо, хизмат кўрсатиш ва кичик ишлаб чиқариш йўналишидаги корхоналар бугун маҳалламиз иқтисодиётининг қон томирлари ҳисобланади. Улар нафақат ўзлари даромад топмоқда, балки қўшниларини ҳам иш билан таъминлаяпти. Эътиборлиси, “Мен ҳам тадбиркор бўлай, иш ўрни яратай”, деган одамлар сафи кундан-кун ортиб бормоқда.

Тизимли меҳнатимиз эвазига ишсизлар сонини 41 нафаргача қисқартирдик. Ҳозир ён дафтаримда шу 41 нафар фуқаронинг исми-шарифи, уларнинг қизиқишлари ва муаммолари аниқ ёзилган. Мақсадимиз — ҳар бирини тез орада даромад манбаига эга қилиш.

Аввалари тадбиркорларнинг аксарияти бир хил муаммони айтишарди. Йўл ёмон, чироқ йўқ, кечқурун харидор келмайди, деган эътирозлар янгарди. Биз муаммони тизимли ҳал қилдик.

Иқтисодий фаолликни ошириш учун инфратузилмани тубдан янгиладик. 130 дона тунги ёритиш чироқлари ўрнатилди. Кўчаларни хавфсиз қилиш билан бирга, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларининг иш вақтини узайтирдик. Бу орқали кечки пайт ишлайдиган тадбиркор икки баробар кўп даромад олиб, янги иш ўрни яратмоқда.



35 та кузатув камераси ёрдамида жиноятдан холи ҳудудга айландик. Тадбиркорларда эртанги кунга ишонч уйғонди, улар қўрқмасдан маҳалласига сармоя кирита бошлади. Камбағаллик — фақат пулсизлик эмас, кўпинча инсон қалбидаги тушкунлик, “мен уддалай олмайман” деган қўрқувдир. Биз ана шу қўрқувни енгишга эришяпмиз.

ЕТАКЧИ — ЁШЛАРГА КЎМАКЧИ

ЁШЛАРНИНГ МУАММОСИДАН ЭМАС, ИМКОНИЯТИДАН СЎЗЛАЙДИГАН МУҲИТНИ ЯРАТДИК

Фаолиятимни бошлаганимда, аввало, ёшларнинг ўзлари билан маслаҳатлашиб, уларга нима етишмаётганини ўрганишга ҳаракат қилдим. Шу тариқа, маҳалламиздаги қаровсиз ҳудудни обод масканга айлантириш ғояси туғилди.

Қутлия ОЧИЛОВА,
Нурафшон шаҳридаги “Нурафшон” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Ёшларнинг таклифлари ва аҳоли билан ўтказилган ҳашарлар натижасида бу ерда замонавий инфратузилмага эга “Ёшлар маркази” барпо этилди. Бугун бу масканда юз нафардан зиёд йигит-қиз стол тенниси, шахмат, шашка, армрестлинг билан шуғулланиб, бўш вақтини мазмунли ўтказмоқда. Мен учун бу марказнинг энг катта аҳамияти — у ерда ёшлар нафақат машғулотларга қатнашади, балки ўз қизиқишларини кашф этиб, тенгдошлари билан фикр алмашишни ҳам ўрганади.

Ёшлар салоҳиятини юзага чиқаришда спортнинг ўрни алоҳида. Ўтган йили маҳалламизнинг 16-21 ёшли йигитларидан ташкил топган стритбол жамоаси “Беш ташаббус олимпиадаси”нинг республика босқичида иштирок этди. Гарчи финалда ғалаба қозона олмаган бўлса-да, бу тажриба уларнинг руҳиятини чиниқтирди, жамоавийлик туйғусини мустаҳкамлади. Жамоага мураббий бириктирилиб, машғулотлар давом эттирилди. Натижада йигитлар янги мавсумда ҳам якуний босқичга йўл олди. Англадимки, мағлубиятдан кейин ҳам ҳаракатни давом эттиришга ундай олиш — ғалабанинг ўзи каби муҳим.

Билим олишга интилиш ҳам маҳалламизда тобора кенг қулоч ёймоқда. “IELTS” ва “TOPIC” имтиҳонларидан юқори натижа кўрсатган ёшлар энди ўз билимларини тенгдошлари билан бепул бўлишяпти. “Тенгдош — тенгдошга” тамойили асосида йўлга қўйилган бу ташаббус бир ёшнинг ютуғини бошқалар учун ҳам имкониятга айлантиряпти. Зеро, билим улашилган сари қадри ортади.



Ёшларнинг келажаги ҳақида сўз борганда, уларнинг бандлиги ва ижтимоий ҳимоясини четлаб ўтиб бўлмайди. Индивидуал ёндашув орқали 12 нафар ёш ўзини ўзи банд қилди, яна икки нафари савдо тармоғида иш бошлади. Икки нафар йигит ахборот технологиялари йўналишида сертификат олиб, ўз соҳасида фаолият юритмоқда, уч нафари эса касб-ҳунар ўрганяпти. Шунингдек, эҳтиёжманд ёшларни қўллаб-қувватлаш доирасида бир нафар ногиронлиги бўлган ёшнинг даволаниш харажатлари қопланди, кўз операциясига муҳтож яна бир йигитга “Ёшлар дафтари” орқали ёрдам ажратилди.

Мен ҳам ўз устимда ишлашни, янги билим ва тажриба орттиришни фаолиятимнинг ажралмас қисми, деб биламан. “Мунозара” интеллектуал ўйинининг вилоят босқичида ғолиб бўлиб, республикада учинчи ўринни эгаллаганман. “Заковат” беллашувида етакчи қизлардан тузилган жамоамиз билан биринчи ўринни қўлга киритдик. “Ибрат фарзандлари”, “Қизлар академияси” дастурларида қатнашиб, оила психологияси, оила ҳуқуқи ва фотография йўналишларини ўзлаштирдим. 2025 йилнинг иккинчи чораги якунлари бўйича “ТОП-100” ёшлар етакчиси сафидан жой олганимни изланишларимга берилган баҳо сифатида қабул қилдим.

Олдимиздаги режалар ҳам ёшларнинг ташаббускорлигини оширишга қаратилган. “Ҳар бир ёш — бир лойиҳа” шиори орқали уларнинг ғояларини амалга оширишга кўмаклашиш, “Ёшлар инновацион академияси”да иқтидорли ўқувчи ва талабаларни илм-фан ҳамда халқаро имкониятлар билан яқинлаштиришни мақсад қилганмиз. Шунингдек, медиаклуб ташкил этиб, ёшларга блогерлик, видеомонтаж ва дизайн каби замонавий кўникмаларни ўргатиш ниятимиз бор. “Ибрат фарзандлари” доирасидаги бепул тил курсларини кенгайтириб, ўрганувчилар сонини 250 нафарга етказиш ҳам режаларимиздан бири.

КИЧИК ЛОЙИҲАДАН КАТТА НАТИЖА

Бугун қайси бир маҳаллага қадам қўйманг, ўзгаришлар нафасини сезасиз. Кўчалар обод, ёшу кексанинг юз-кўзида эртанги кунга ишонч бор. Чунки замон билан ҳамнафас тарзда одамларнинг фикрлаши, дунёқараши ўзгарди. Энг муҳими, энди ҳеч ким боқимандалик кайфияти билан яшашни истамаяпти. Ҳамма ҳаракатда, оиласи, маҳалласи фаровонлигига ҳисса қўшиш пайида.

Ташаббус меҳнат ва ҳаракат билан бойликка, баракага айланди

Бунинг жонли мисолини Кармана туманидаги “Хончарбоғ” маҳалласи мисолида яққол кўриш мумкин. Ҳудудда 3 701 нафар аҳоли катта ва аҳил оила сингари яшамоқда. Бу рақамлар ортида шунча тақдирлар, орзу-мақсадлар турибди.

Мулоҳаза қилиб кўрайлик, илгари маҳалла деганда, фақат тўй-ҳашам ёки маросимлар ўтадиган маскан тушуниларди. Бугун аҳоли бандлигини таъминлайдиган, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлайдиган, камбағалликни қисқартирадиган чинакам ижтимоий ва иқтисодий марказга айланди.

— Йил бошида ўтказилган хатлов жараёнларида 62 нафар ишсиз фуқаро аниқланган эди, ***— дейди ҳоким ёрдамчиси Умиджон Авазов.*** *— Яъни, шунча хонадонда доимий даромад манбаи йўқлигидан далолат эди. Кўрилган тизимли чора-тадбирлар, маҳалла фаоллари жонкуярлиги сабаб, қисқа фурсатда уларнинг 49 нафарининг бандлиги таъминланди. Бир тасаввур қилинг, кечагина иш излаб юрган ота ёки йигит бугун уйига ҳалол меҳнати билан топган даромадини олиб киряпти. Барака ёғилиши баробарида фарзандлар кўзида ҳам қувонч порлаяпти. Буни ҳеч қандай рақам билан ўлчаб бўлмайди.*

Хўш, ютуқлар сири нимада? Жавоб оддий — имкониятдан тўғри фойдаланишда. “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури қоғоздаги режадан ҳаётий ҳаракатга кўчди.

Жорий йилнинг ўтган даврида тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ёки мавжуд ишини кенгайтириш иштиёқида бўлган фуқароларга 752 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилди. Бу маблағлар кимнингдир хонадонида иссиқхона бўлди, кимнингдир ҳовлисида кичик корхонага айланди, яна кимдир чорва сонини кўпайтирди. Энг муҳими, фуқароларнинг ўзини ўзи банд қилиши, янги даромад манбаларини яратиши ва ошлавий тадбиркорликни ривожлантириши учун шароит яратилди. Бугун хончарбогликлар давлат берган имкониятни ҳалол меҳнат ва ҳаракат билан бойликка, баракага айлантиришни ўрганишди.

Ердан ризқ ундириш, чорва орқали рўзғорни бут қилиш халқимизнинг қонида бор. Ҳудуднинг ўзига хос “драйвери” — чорвачилик ва деҳқончилик. Маҳаллада мана шу икки соҳани илмий ва замонавий ёндашув асосида ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиляпти. Сабаби, ерга меҳр берган одам ҳеч қачон кам бўлмайди. Тўғри ташкил этилган чорвачилик эса йил давомида оилани гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлаб, ортганини бозорга чиқариш орқали қўшимча даромад келтиради.

Хулоса ўрнида айтганда, ҳар бир оиланинг даромад манбасини кўпайтириш ва ишсиз фуқароларни меҳнатга жалб этишга эришиляпти.

ИШ БИЛГАНГА, БАЛЛИ!

БОҒИНГИЗ ҚИШГА ТАЙЁРМИ?

Куз мавсуми, айниқса, мевали дарахтларнинг саломатлигини назорат қилиш учун энг муҳим палла ҳисобланади. Баъзи амалларни ўз вақтида бажариш, дарахтларни қишдан эсон-омон чиқиб олиб, янги мавсумда тўла куч билан ривожланиши ва мева беришида жуда катта ёрдам беради.



Зафар ОРТИҚОВ,
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бошқарма бошлиғи.

Бу фаслда боғ ишларини ўз вақтида бажариш қишнинг ноқулай шароитига чидамли қилади. Бунинг учун, аввало, тупроқдаги намликни таъминлаш керак. Фасл қуруқ келган бўлса, барглар тўкилгач, суғориш фойдали. Бу илдиз атрофидаги ҳароратнинг кескин ўзгаришини камайтиради. Атрофидаги тупроқни бегона ўтлар ва ўсимлик қолдиқларидан тозалаш лозим. Айниқса, касаллик белгилари бўлган барг ва мева қолдиқлари жуда хавфли.

Қуриган, синган, касалланган ва бир-бирига ишқаланаётган шохларни олиб ташланг. Кесилган жойларни силлиқ қолдиринг, йирик кесимларда боғ учун мўлжалланган ҳимоя воситаларидан фойдаланинг.

Кучли шакллантирувчи ёки катта ҳажмдаги кесишни ҳар бир дарахтда кузда бажариш шарт эмас. Дарахт тури ва ҳудуд иқлимига қараб вақтини тўғри танлаш керак.

Оҳаклаш қишки қуёш нури ва ҳароратининг кескин алмашинуви натижасида пўстлоқда юзага келиши мумкин бўлган шикастланишлар хавфини камайтиради.

Озиқлантиришда тупроқ таҳлили муҳим. Фосфор ва калийга эҳтиёж бўлса, уларни меъёрда бериш мумкин. Азотли ўғитлар куз охирида янги, совуққа чидамсиз новдалар ўсишини рағбатлантиради.

Тайёргарликни фақат совуқ тушгандан кейин бошламанг. Ҳолатни олдиндан баҳолаб, ишларни босқичма-босқич амалга ошириш анча самарали.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.



2026-2027 йилларда “Mycoal.uz” интерактив портали орқали кўмир харид қилган Ижтимоий реестрга киритилган оилаларга КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛАНАДИ.



“Вақф” хайрия жамоат фонди кўмагида 18 мингга яқин болалар ва катталар МУРАККАБ ЖАРРОҲЛИК АМАЛИЁТИдан ўтказилди.



1 октябрдан айрим тоифадаги фуқароларга ҲАВО, ТЕМИР ЙЎЛ ВА ШАҲАРЛАРАРО АВТОБУС транспортидан бепул фойдаланиш имконияти берилди.

ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ

Ечим сари бирга қадам ташлаш муҳим

Маҳаллада ижтимоий ходим бўлиб ишлаш мен учун, аввало, инсонларга қалбан яқин бўлиш дегани. Ҳар куни турли оилалар хонадонига кириб борар эканман, уларнинг ўзига хос ташвиш ва умид борлигини ҳис қиламан. Шу боис ишни фақат ҳужжатларни расмийлаштириш ёки ёрдам турларини тавсия қилиш билан чеклаш камлик қилади. Аҳоли вакилларини тушуниш, унинг муаммоси ортида турган ҳақиқий эҳтиёжни англаш ва ечим сари бирга қадам ташлаш жуда муҳим.

Гулзира ТЎРАҚУЛОВА, Қарши туманидаги “Ширкент” маҳалласи ижтимоий ходими.

Назаримда, ижтимоий ҳимоянинг энг муҳим жиҳати — инсонни фақат ёрдам олувчи сифатида кўриш билан чекланиш эмас. Аксинча, унинг имкониятини юзага чиқариш, қўлидан келадиган ишни аниқлаш ва шу имкониятдан фойдаланиши учун шароит яратишдан иборат.

Фарҳод Файзиев оиласи билан ишлаш жараёни ҳам мен учун ана шундай сабоқлардан бири бўлди. Эр-хотиннинг ҳар иккисида ногиронлик мавжуд. Уч нафар фарзандни тарбиялаётган хонадон вакиллари асосан, ногиронлик нафақаси ҳисобига кун кечирарди. Албатта, бундай шароитда оила бюджетига қўшимча даромад манбаини яратиш муҳим эди.

Хонадоннинг ҳолатини ўрганиш жараёнида уларга оддий моддий ёрдамдан кўра, келгусида даромад келтирадиган имконият зарурлигини англадик. Шу асосда оилага фоизсиз кредит ажратилишига кўмаклашилди. Ушбу маблағга қорамол харид қилинди.

Бугун бу хонадонга борганимда, ўша қарорнинг аҳамиятини янада чуқурроқ ҳис қиламан. Чунки харид қилинган қорамол оддий мол-мулк эмас. У оила учун келгусидаги даромад манбаи, фарзандлар эҳтиёжини қоплашга ёрдам берадиган имконият ва энг муҳими, ўз кучига ишонч рамзи бўлиши мумкин.

Менимча, ижтимоий ходимнинг вазифаси ҳам айнан шунда. Биз инсоннинг муаммосини унинг ўрнига ҳал қилиб бериш эмас, балки у билан бирга ечим излашимиз керак. Чунки тайёр ёрдам бир кунлик эҳтиёжни қоплаши мумкин, имконият эса инсоннинг эртанги кунига хизмат қилади.



Фуқаролар билан ишлаш мобайнида уларнинг ишончини қозониш нақадар катта аҳамият касб этишини тушуняпман. Чунки баъзи одамлар ўз муаммосини очиқ айтавермайди. Суҳбатлашиш, уларни тинглаш, ҳолатини тушуниш орқали аста-секин ўртада ишонч пайдо бўлади. Шундагина ҳақиқий эҳолатни аниқлаш ва унга мос ёрдам кўрсатиш мумкин.

Меҳнатимнинг эътироф этилгани, “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 35 йиллиги” эсдалик нишони билан тақдирланганим эса менга янада катта масъулият юклади. Бу мукофотни ўзимга эмас, аввало, инсонлар билан ишлашдаги меҳнатимга берилган ишонч сифатида қабул қиламан.

Ҳали маҳалламизда эътибор ва кўмакка муҳтож оилалар бор. Уларнинг ҳар бири билан алоҳида ишлаш ва ҳаётида ижобий ўзгариш бўлишига ҳисса қўшиш — менинг асосий мақсадим. Зеро, ўз вақтида чўзилган қўл, айтилган бир оғиз далда ва тўғри йўл кўрсатишнинг ўзи инсонга янги саҳифа очиш учун куч бериши мумкин.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ҚОИДАБУЗАРЛИКНИНГ КАТТА-КИЧИГИ БЎЛМАЙДИ

Мопед ва скутерлар шаҳар кўчаларида тобора кўпаймоқда. Улар вақт ва маблағни тежайди, тирбандликда ҳаракатланишни осонлаштиради. Аммо икки ғилдиракли транспорт воситалари сони ортгани сари улар иштирокидаги авария ва қоидабузарликлар ҳам жиддий саволларни ўртага ташламоқда.



Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА, “Mahalla” мухбири.

Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати маълумотларига кўра, 2026 йилнинг дастлабки 9 ойида мопед ва скутерлар иштирокида 563 та йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган. Бу авариялар 488 нафар киши тан жароҳати олган, 89 киши эса ҳалок бўлган.

Бу рақамларни шунчаки статистика сифатида қабул қилиб бўлмайди. Чунки ҳар бир рақам ортида бир инсон тақдири, бир оиланинг ташвиши, баъзан эса қайтариб бўлмайдиган йўқотиш турибди.

ҚОИДАБУЗАРЛИКЛАР НЕГА КЕСКИН КЎПАЙДИ?

Масаланинг яна бир жиҳати бор. 2025 йил давомида мопед ва скутер ҳайдовчиларининг йўл ҳаракати қоидаларини бузиш билан боғлиқ 300 га яқин ҳолат аниқланган бўлса, 2026 йилнинг дастлабки 9 ойида бу кўрсаткич 4 312 тага етган. Қарийб 20 баробарлик ўсиш — жиддий ўзгариш.

Албатта, бу рақамни фақат ҳайдовчиларнинг масъулиятсизлиги билан изоҳлаш бирёқлама бўлади. Мопед ва скутерлардан фойдаланувчилар сонининг кўпайиши ҳам статистикага таъсир қилади. Аммо қоидабузарликларнинг бундай суръатда ўсиши транспорт воситасини бошқариш маданияти, йўл ҳаракати қоидаларини билиш ва уларга амал қилиш масаласига жиддийроқ қараш зарурлигини кўрсатади.

Айниқса, 162 та ҳолатда ҳайдовчиларнинг ҳам тегишли ҳужжатсиз, ҳам маст ҳолда мопед ёки скутер бошқаргани аниқлангани ташвишли. Бу ерда гап фақат қонун талабини бузиш ҳақида эмас. Маст ҳолда транспорт бошқариш — ҳайдовчининг ўзи билан бирга йўлдаги бошқа инсонларнинг ҳаётини ҳам хавф остига қўйишдир.

“КИЧИК ТРАНСПОРТ” ДЕГАН НОТЎҒРИ ТАСАВВУР

Мопед ёки скутернинг автомобилдан кичиклиги баъзи ҳайдовчиларда “буни бошқариш қийин эмас”, деган тасаввур уйғотиши мумкин. Аслида эса икки ғилдиракли транспортда мувозанатни сақлаш, тезликни тўғри танлаш, кескин тормоз бериш, бурилиш ва бошқа транспорт воситалари орасида ҳаракатланиш алоҳида кўникмани талаб қилади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳайдовчилик гувоҳномаси талабининг жорий этилгани оддий расмиятчилик эмас. Бу — транспорт воситасини бошқараётган одам йўл ҳаракати қоидаларини билиши ва уни хавфсиз бошқаришга тайёр бўлишини таъминлашга қаратилган чора.

“А1” — МАСЪУЛИЯТНИНГ МУҲИМ ТОИФАСИ

Мопед ва скутерлар учун “А1” кичик тоифали ҳайдовчилик гувоҳномасининг жорий этилгани ҳам шу мақсадга хизмат қилади. Амалдаги тартибга кўра, ушбу тоифани олиш учун автомактабда мажбурий ўқув курсини ўташ шарт эмас, имтиҳонларга мустақил тайёрланиш мумкин. “А”, “В”, “С” ёки “D” тоифаларидан бирига эга бўлган шахс эса алоҳида “А1” олиши шарт эмас.

Айрим кичик ҳажмли мототранспорт воситалари учун давлат рақами талаб этилмаслиги мумкин. Масалан, конструктив тезлиги соатига 25 километрдан ошмайдиган, двигателининг иш ҳажми 25 куб сантиметргача ёки номинал қуввати 0,25 киловаттгача бўлган воситалар шулар жумласидан. Аммо бу ҳолат ҳам йўл ҳаракати қоидаларига амал қилиш мажбуриятини бекор қилмайди. Аксинча, транспорт воситаси қанчалик кичик бўлмасин, уни бошқаришдаги масъулият шунчалик катта бўлиши керак.

НАЗОРАТДАН КЎРА МАДАНИЯТ МУҲИМ

Йўл ҳаракати хавфсизлигини фақат жарима, назорат ёки жазо билан таъминлаб бўлмайди. Шунинг учун энг муҳим вазифа — йўл ҳаракати маданиятини шакллантиришдир.

Мопед ёки скутер сотиб олган инсон, аввало, “уни қанчалик тез ҳайдай оламан?”, деб эмас, “уни қанчалик хавфсиз бошқара оламан?”, деб ўйлаши керак. Ҳайдовчилик гувоҳномаси олишни ўзи ва бошқалар ҳаёти олдидаги масъулиятнинг бир қисми сифатида қабул қилиш зарур.

Шунингдек, йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича тушунтириш ишларини мактаб, коллеж, олий таълим муассасалари, маҳалла ва иш жойларида кучайтириш ҳам муҳим. Айниқса, ёшлар орасида мопед ва скутерлардан фойдаланиш кенгаяётган бир пайтда хавфсиз бошқариш кўникмаларини эрта шакллантириш керак.

Транспорт воситаси инсонга қулайлик яратиши керак. Аммо бу хавфсизлик қоидалари эвазига келмаслиги шарт. Йўлда эса энг катта устуворлик — манзилга тезроқ эмас, **соғ-омон етиб боришдир.**

ОҚИЛАЛИК — ОИЛА БЕЗАГИ

“СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРҒИБОТДАН АНЪАНАГА АЙЛАНГАНИ — ЭНГ КАТТА НАТИЖАМИЗ!”

Аёлнинг кайфияти, саломатлиги, касби ва даромади — хонадон муҳитига бевосита таъсир қилади. Шунинг учун хотин-қизлар билан ишлаганда бирор муаммонинг оқибатини эмас, унинг сабабини излашга ҳаракат қиламан. Баъзан бунинг учун бир оиланинг эшигини қайта-қайта тақиллатишга, аёлни касбга ўргатишга, соғлом турмуш тарзига жалб қилишга тўғри келади.

Ойсара УСМОНОВА Иштихон туманидаги “Чақар” ва “Янгикент” маҳаллалари хотин-қизлар фаоли.



Маҳаллада 2022 йилдан буён фаолият юритар эканман, шуни англадимки, аёлга имконият берилса, у бундан фақат ўзи учун эмас, бутун оиласи учун фойдаланади.

Ишни маҳалладаги ишсиз хотин-қизларни аниқлашдан бошлаган эдик. Ўша пайтда 70 нафардан зиёд аёл бекорчи эди. Кимдир касб ўрганишни истар, аммо қаердан бошлашни билмасди. Яна кимдир уйдаги шароити туфайли узоққа бориб ишлай олмасди. Биз учун энг муҳими — аёлни мавжуд имкониятга эмас, имкониятни унинг шароитига мослаштириш эди.

Шу мақсадда опа-сингилларимизни маҳаллада касб-ҳунар ўрганишга йўналтирдик. 2023 йилда тадбиркор Маҳбуба опа нон ва нон маҳсулотлари тайёрлаш бўйича ўқув маркази ташкил этди. Бу ерда хотин-қизлар уч ой давомида касб ўрганади. Шу билан бирга, амалиётда қилган меҳнатига қараб ҳақ ҳам олади. Ҳозир бу ерда 10 нафар аёл мунтазам ишлаяпти. 100 нафардан ортиқ хотин-қиз эса касб ўрганиб чиқди.

Айримлари ўқибгина қолмади — уйининг ўзида иш бошлади. Пиширириқлар, ширинликлар тайёрлаб, дўконларга топшириптти. Демак, аёл учун ишлашнинг ягона манзили корхона ёки ташкилот эмас. Тўғри йўл кўрсатилса, унинг хонадони ҳам кичик иш жойига айланиши мумкин.

Розия Эргашеванинг ҳикояси бунга яққол мисол. У кўпинча уйда ўтирар, соғлиғи ҳам яхши эмасди. Тикувчиликка қайта-қайта ўқитдик. Кейин унга бир дона тикув машинаси берилди. Ўзи ҳам яна иккита машина сотиб олди. Бугун эса уйида буюртма асосида аёллар кийимларини тикиб, даромад топяпти. Энг қувонарлиси, ўзи касб эгаси бўлибгина қолмай, мактаб битирувчиларини ҳам тикувчиликка ўргатмоқда.

Менимча, аёлга тайёр даромад беришдан кўра, унга пул топиш йўлини кўрсатиш муҳимроқ. Чунки касб — бир кунлик эмас, йиллар давомида асқатадиган имконият.

Хотин-қизларнинг саломатлигига ҳам алоҳида эътибор қаратяпмиз. Айни кунларда маҳалламизда хотин-қизлар баланси шакллантирилмоқда. Эрталаб 5 минг қадам юриш анъанага айланиб бормоқда. Фитнес клубимизга 25 ёшдан 71 ёшгача бўлган 170 нафардан зиёд аёл қатнашяпти.

Аввалига хаёлимда “Эрталаб туриб юришга ҳамма ҳам кўника олармикан?”, деган ўй бўлган. Бугун эса бир-бирини эрталабки сайрга чорлаётган аёлларни кўриб, соғлом турмуш тарзи тарғиботдан одатга айланаётганини ҳис қиламан.

Хотин-қизлар билан ишлашда яна бир нозик масала бор — оилавий муносабатлар. Жорий йилда 20 та оила билан яраштириш ишларини олиб бордик. Шуларнинг 18 тасида оилани сақлаб қолишга эришдик.

Бунинг ортида осон жараён турмайди. Бир оилани муросага келтириш учун уч-тўрт ой, баъзида олти ойгача вақт кетади. Турмуш ўртоқларни алоҳида тинглаймиз, муаммонинг илдизини излаймиз, зарур ҳолларда тумандаги яраштириш комиссияси билан ҳамкорликда уларни учраштириб, муросага келтиришга ҳаракат қиламиз.

Ҳозир ҳам икки оила билан ишлаяпмиз. Совуқчилик чуқурлашиб кетмасидан аввал унинг олдини олиш осонроқ.

Мен учун маҳалладаги ишнинг мазмуни ҳам шунда — ҳар бир хонадонга кириб, “Сизга нима керак?”, деб сўрашнинг ўзи билан чекланмаслик. Аёлнинг нимани хоҳлаётгани, нимани уддалай олиши ва унга қандай имконият кераклигини тушуниш.

Энг катта мақсадимиз — соғлом турмуш тарзини ҳар бир хонадонга олиб кириш, уйда ўтирган аёлларнинг меҳнат қилиб, ўз даромадига эга бўлишига кўмаклашиш. Тикувчилик, қурт тайёрлаш ва қадоқлаш, пиширириқчилик каби йўналишларда касб ўргатишни янада кенгайтириш ниятимиз бор.

Шунинг учун ҳар бир маҳаллада кичик ўқув марказлари бўлишини истардим. Аёл уйидан узоққа кетмай, ўз маҳалласида касб ўрганса, бунинг ўзи катта имконият. Бири тикувчиликни, бири новвойликни, яна бири ширинлик тайёрлашни ўрганади. Муҳими, қўлида касби бўлади. Зеро, **аёл ўзгарса, хонадон ўзгаради. Хонадонлар ўзгарса, маҳалла ҳам ривожланади.**

ЯНГИ ДАВРНИНГ ЁРҚИН ҲАЁТИ

“Биз енгилишимиз мумкин эмас”

Хатирчи тумандаги “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази фуқароларнинг индивидуал эҳтиёжларидан келиб чиқиб, уларга зарур ижтимоий хизмат ва ёрдамларни манзилли ташкил этишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

*— 2025 йили кундузги парвариш хизматини бошлагандик, **— дейди тадбиркор Камолиддин Турсунов.** — Дастлаб 3-18 ёш тоифасини қамраб олдик. Мана, ҳозирги кунда катталарга ҳам хизмат кўрсатиляпти. Уларга дефектолог хизмати, уқалаш, тикиш ҳамда расм чизишни йўлга қўйганмиз. Айни вақтда олтита иш ўрни яратилган. Уларнинг имкониятидан келиб чиқиб, уйидан қатнаш учун транспорт хизматини йўлга қўйганмиз. Бундан ташқари, ногиронлиги бўлган болалардан юролмайдиганлари юриб кетган, гапириши яхши бўлмайдиганларининг нутқи яхшиланган. Ютуқларимиз бор. Буларнинг ҳаммаси мутахассисларимиз меҳнати самарасидир. Ота-оналаримиз ҳам натижадан хурсанд. Ҳатто, фарзанди шу масканган қатнайдиган оналарнинг бандлигини таъминлаганмиз. Келажакда бу соҳани янада кенгайтириб, янги иш ўринларини яратиш ниятидамиз.*



А.БЎРИЕВ, журналист.

Бугунги кунда Хатирчи туманида 22,2 минг нафар фуқаро ижтимоий хизматлар билан қамраб олинган. Бу эса ҳудудда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини аниқлаш, уларнинг эҳтиёжларини ўрганиш ва манзилли хизматлар кўрсатиш борасидаги ишлар кўлами тобора кенгайиб бораётганини кўрсатади.

*— Одамзод ҳеч қачон бир жойда тўхтаб қолмаслиги керак, **— дейди Севара Бузрукова.** — Қизчамнинг тоби бўлмай, шифокорга борган вақтларимизда, “Сиз енгилишингиз мумкин эмас, бола онадан қувват олади”, деб далда бўлди. Илгари болам ўзимдан узоқда эди. Марказ ёрдами билан фарзандимни бу ерга — кундузги парваришга олиб келдим. Куни билан парваришда, кечқурун эса оиламиз даврасида. Ижтимоий тизимдаги янгиликлар, мана шундай қўллаб-қувватлашлар бизга жуда катта ёрдам бўлмоқда.*

Энг муҳими, ижтимоий хизматларнинг янги шакллари аҳолининг ҳақиқий эҳтиёжларига мослаштирилмоқда. Натижада илгари айрим хизматлардан фойдаланишда қийинчиликка дуч келган фуқаролар учун имкониятлар кенгайиб, уларнинг оилалари учун ҳам муайян қулайликлар яратилмоқда.

Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА тайёрлади.





ҚОРАКЎЛ ТУМАНИДАГИ “ҚУЙИ ЯНГИБОЗОР” МАҲАЛЛАСИДА ўтказилган сайёр қабулда 20 дан ортиқ мурожаатга ижобий ечим топилди.



ГУЛИСТОН ШАҲРИДАГИ “НАМУНА” МАҲАЛЛАСИДА “Хавфсиз маҳалла” тамойили асосида “Хавфсиз кўча” ва “Хавфсиз йўлак”лар ташкил этилди.



УРГАНЧ ТУМАНИДАГИ “АДОЛАТ” МАҲАЛЛАСИ профилактика инспектори ташаббуси билан Ижтимоий реестрга киритилган оилаларнинг турмуш шароити ўрганилди.

ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА

“Жиноят оқибати билан курашмадик, унга элтувчи йўлларни ёпдик”

Замонавий дунёда шаҳарлашиш ва аҳоли зичлигининг ортиши хавфсизлик тушунчасига мутлақо янгича ёндашувларни талаб этмоқда. Бугун хотиржамликни фақатгина куч билан таъминлаш хато бўлади. Аксинча, технологик ечимлар, тезкор бошқарув ва энг муҳими, жамоатчилик билан самимий мулоқотнинг яхлит занжирини яратиш лозим. Маҳалламизда жорий этилган хавфсизлик тизими ана шундай ёндашувнинг амалий кўриниши сифатида диққатни тортади.



Жасурбек ЭРГАШЕВ.
Давлатобод туманидаги “Тўқувчи” маҳалласи профилактика инспектори.

Маҳалла ҳаётига назар ташласак, ижтимоий манзара анча кенглигини кўриш қийин эмас. 2 490 та хонадон, 5 750 нафар аҳоли ва 44 та кўп қаватли уй. Бундай ҳудудда осойишталикни сақлаш ўзига хос масъулият талаб қилади. Ҳудудда йил давомида бирорта ҳам жиноятчилик ҳолати қайд этилмагани асосида тинимсиз меҳнат, туну кун бедорлик, ҳамжиҳатлик ётибди. Қолаверса, икки муҳим омил — инновацион технологиялар ҳамда инсон омилининг ўзаро уйғунлашгани натижаси, дейиш мумкин. Яъни, назорат ва огоҳликни замонавий кўринишга келтириб, ҳуқуқ-тартибот ходимларининг ҳушёрлиги оширилди.

Биз оқибат билан курашмадик, балки ҳуқуқбузарликка сабаб бўлувчи омилларни барвақт аниқлаш ва уларнинг олдини олишга эришдик. Бу жараёнда кўп қаватли уйлар олдига ўрнатилган “SOS” ташвиш тугмалари аҳоли ва хавфсизлик кучлари ўртасидаги масофани имкон даражасида қисқартирди.

Бундан ташқари, еттита кўп қаватли уй йўлагига “Face ID” (юзни таниш) тизими ўрнатилгани рақамли назоратни янги босқичга олиб чиқди. Қўриқлаш хизмати “Security” марказига уланган. Бу тизим бегона шахсларнинг бинога киришини ҳамда шубҳали транспорт воситаларини тезкор аниқлайди.

Биламизки, хавфсизликнинг энг мустаҳкам тўсиғи — ўзаро ишонч ҳисобланади. Шу маънода аҳоли билан яқин мулоқот ва ишонч кўприги ўрнатилган. Ҳар қандай кичик кўнгилсизлик ҳамкорликда тезкор ҳал этилмоқда. Агар фуқаро ўз муаммоси ёки хавотирини қўрқмасдан, вақтида айта олса, жиноятнинг олдини олиш имконияти ортади.

Муваффақиятимизнинг яна бир омили — профилактика ишларини яхшилашда илмий ёндашув йўлга қўйилганидир. Эскирган, фақат “рақамлар ортидан қувиш” ёки юзаки назоратга асосланган усуллар ўзини оқламаяпти.

Илмий ёндашув муаммонинг оқибати билан эмас, унинг келиб чиқиш илдизлари (ижтимоий, иқтисодий, психологик омиллар) билан курашиш имкониятимизни каррасига оширди. Катта ҳажмдаги маълумотлар ва рақамли технологиялар ёрдамида хавф гуруҳлари тезкор аниқланмоқда. Илмий таҳлиллар қайси ҳудудда, қайси вақтда ёки қайси қатлам орасида хавф юқорилигини олдиндан тахмин қилиш имконини бермоқда. Натижада, профилактика ишлари “ҳамма учун умумий” шаклда эмас, балки аниқ манзилли тарзда олиб борилмоқда. Бу куч ва воситаларни тўғри тақсимлашга ёрдам бермоқда.

СОЛИҚЧИ — КЎМАКЧИ

ОҒЗАКИ КЕЛИШУВ: ИШОНЧ ҚАЕРДА ТУГАБ, МАСЪУЛИЯТ ҚАЕРДАН БОШЛАНАДИ?

Малика опанинг тикувчилик устахонасига кирган одам иш ҳажмига қараб, бу ерда ҳаммаси жойида, деб ўйлаши мумкин.



Абдуқодир ЮНУСОВ,
Зарбдор туманидаги “Адиробод”, “Оқар”, “Лалмикор”, Ойбек номидаги маҳаллалар солиқ инспектори.

Икки хонада ўнга яқин тикув машинаси бир маромда ишлайди, стол устида буюртма қилинган либослар тахлаб қўйилган, эшик олдида эса тайёр маҳсулотини олиб кетишга келган мижозлар навбати бор. Қўшни маҳаллалардан ҳам буюртма тушади. Айниқса, мактаб формаси, миллий либослар ва тўй-томошалар учун кийимларга талаб ошган пайтда цехда ишчиларга қўшимча вақтда ҳам ишлашга тўғри келади. Тадбиркор ҳам ишидан нолимайди. Аксинча, “Буюртма кўп, яна икки-учта машина қўйсак, ишни кенгайтирсак”, деган режалари бор. Бир қарашда, маҳаллада ўз ўрнини топган, иши юришиб кетган кичик тадбиркор.

Энди солиқ инспектори сифатида иш фаолиятимни бошлаганимда биринчи Малика опанинг муаммоси билан юзлашдим. Суҳбат давомида у менга жой масаласида муаммо чиққанини айтди. Устахона жойлашган бино унга расмий ижарага берилмаган, бино эгаси билан фақат оғзаки келишув қилинган. Дастлаб ҳар ой келишилган маблағни тўлаб келган. Аммо сўнгги пайтда вазият ўзгарган: бино эгаси кутилмаганда жойни бўшатишни талаб қилган, охирги ой учун эса аввал келишилганидан кўпроқ маблағ сўраган.

Мен биринчи навбатда тикувчининг тадбиркорлик фаолияти ва солиқ мажбуриятларини кўриб чиқдим. Фуқаро белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган, солиқларини тўлаб келяпти. Нега бино эгаси билан расмий ижара шартномаси асосида расмийлаштирмаганини эса вақт танқислиги ва ишининг кўплиги билан изоҳлади.

Шундан кейин мен Малика опага оғзаки келишувга суяниб ишлашни давом эттириш келажакда яна шундай муаммоларга сабаб бўлиши мумкинлигини тушунтирдим. Бино эгаси билан ўзаро келишувни ёзма равишда расмийлаштириш имкониятини кўриб чиқишни таклиф қилдим.

Шу билан бирга, масала фақат аёлнинг эмас, бино эгасининг ҳам розилигига боғлиқ эканини инобатга олиб, икки томонни бир стол атрофида жамлаш кераклигини англадим. Бино эгаси билан ҳам гаплашдим. Унинг талабини ҳам эшитдим: нима сабабдан жойни бўшатишни сўраётгани, нега охирги тўлов миқдорини ўзгартиргани ҳақида тушунтиришини талаб қилдим. Мақсадим бир томонни ҳақ, иккинчисини ноҳақ дейиш эмас, аввал оғзаки келишувда қолиб кетган масалаларни аниқлаш эди.

Менинг вазифам бу ерда устахонани ёптириш эмас эди. Аксинча, тадбиркор ишини давом эттириши учун қайси масалани аввал ҳал қилиши кераклигини кўрсатиш бўлди. Шунинг учун унга тегишли тартибда жойдан фойдаланиш муносабатларини тартибга солиш, бунинг учун бино эгаси билан аниқ шартларга келишиш ва кейин фаолиятини кенгайтириш мақсадга мувофиқлигини тушунтирдим.

ИМКОНИЯТ

“ИМКОНИЯТИМНИ КУТМАДИМ, УНИ ЎЗИМ ЯРАТДИМ”

Университетда ўқиётган пайтимда инглиз тилига қизиқишим кучайди. Бир муддатдан кейин ўзимдан кичик талабаларга айрим мавзуларни тушунтириб беришни одат қилдим.



Аслиддин ШАМСИДДИНОВ,
Боғот туманидаги “Ёш ўсмир” маҳалласи.

Устозлардан бирига тўғарак ташкил этиш фикримни айтдим. У киши менга ташаббусни қоғозга тушириш, машғулот дастурини аниқ белгилаш ва университет маъмурияти билан келишишни маслаҳат берди. Шу тарзда ишим бироз расмийлашди. Дастлаб беш-олти нафар ёш билан бошлаган тўғарагимга кейин яна талабалар қўшилди.

Бироқ курсга қизиқиш ортган сари яна бир масала кўндаланг бўлди — олинган даромадни қандай расмийлаштириш керак? Бу масалада ҳам ўзимча тавакkал қилишни истамадим. Масъул ходимлар ва солиқ соҳасини тушунадиган мутахассислардан маслаҳат олдим. Шунда мен учун муҳим бир имконият борлигини билдим: профессионал ва олий таълим муассасалари ҳудудида ўқувчилар ва талабалар ташкил этадиган пуллик ўқув курслари, спорт тўгараклари ҳамда бошқа таълим хизматларидан олинган даромадлар Солиқ кодексининг 369-моддасига кўра, солиққа тортилмас экан.

Ростини айтсам, буни эшитганимда курсни бошлашга бўлган ишончим янада ортди. Олдин ўқув материаллари тайёрлаш, реклама қилиш каби харажатларнинг ҳар бири мени ўйлантирарди. Энди эса меҳнатимдан тушган маблағни яна курсни ривожлантиришга сарфлаш имконияти пайдо бўлди.

Энди бу тажрибани фақат университет доирасида қолдириб қўйишни истамайман. Маҳалламда ҳам ёшлар ўз билим ва қобилиятини ишга солиб, қўшимча даромад топиши мумкин бўлган шундай кичик ўқув курсларини йўлга қўйиш ниятим бор.

ИШОНЧ ПУЛ БИЛАН ЎЛЧАНМАЙДИ, АММО УНИНГ БАҲОСИ БОР...

ҲОЛАТ

Маҳаллада, бозорда, корхонада ёки оддий хонадонда солиқ ҳақида гап кетганда, кўпчиликнинг хаёлига, аввало, давлат олдидаги мажбурият келади. Фуқаро ёки тадбиркор ҳисоб-китобини қилади, белгиланган тўловни амалга оширади ва ўз вазифасини бажарганидан сўнг хотиржам яшашни истайди.

Шаҳноза ХАЛИЛОВА.



Аммо ана шу ишончли муносабатга мансабдор шахснинг қўли аралашса-ю, фуқаронинг қонуний тўлови белгиланган ҳисобварақка эмас, кимнингдир шахсий эҳтиёжига сарфланса-чи?

Қашқадарё вилоятида аниқланган ҳолат айнан шу саволни яна кун тартибига олиб чиқди. Маълум бўлишича, Қарши шаҳар солиқ инспекцияси масъул ходимлари 2023-2026 йиллар давомида 97 нафар фуқаронинг солиқ тўлови учун берган жами 122,6 миллион сўм маблағини сохта тўлов ҳужжатлари орқали қабул қилиб, уларнинг шахсий ҳисобварақларига кирим қилмаган. Расмий маълумотда ушбу маблағлар шахсий эҳтиёжларга ишлатиб юборилгани қайд этилган.

Бу ерда эътиборни бир жиҳатга қаратиш керак: гап битта фуқаронинг пули ёки бир марта содир этилган хатолик ҳақида эмас, **97 нафар солиқ тўловчи ва 122,6 миллион сўм маблағ** ҳақида бормоқда. Демак, бундай ҳолатнинг бир неча йил давомида аниқланмай қолгани назорат тизими самарадорлиги ҳақида ҳам ўйлашга мажбур қилади.

МУАММО ФАҚАТ БИТТА ХОДИМДАМИ?

Қаршидаги ҳолат табиий равишда бир қатор саволларни туғдиради: сохта тўлов ҳужжатларидан фойдаланиш қандай қилиб узоқ вақт давом этган? Фуқаролар тўлаган маблағлар билан уларнинг шахсий ҳисобварақларидаги маълумотлар ўртасидаги тафовут нега аввалроқ аниқланмаган? 97 нафар фуқаронинг тўлови ҳақида гап кетаётган бир пайтда ички назорат қаерда бўлган?

Бу саволларга ҳуқуқий текширув натижасида аниқлик киритилиши керак. Чунки айбдор шахсни аниқлаш ва жазолаш муҳим бўлса-да, **бундай ҳолатга имкон берган тизимли сабабларни аниқлаш ундан ҳам муҳимроқ.**

БУНДАЙ ҲОЛАТЛАР НИМАДАН ДАРАК БЕРАДИ?

2026 йил давомида очиқ ахборот манбаларида солиқ органлари ходимлари билан боғлиқ бир нечта коррупциявий ҳолатлар ҳақида хабарлар тарқалди. Сирдарёда солиқ бошқармаси шўъба бошлиғи тадбиркордан жаримани қўлламаслик эвазига қимматбаҳо буюм олган вақтида ушлангани, Самарқанд вилоятида эса солиқ қарзини камайтириб бериш эвазига пул талаб қилингани хабар қилинди. Тошкент вилоятида айрим масъул ходимлар аудит жараёнида миллиардлаб сўмлик солиқларни ҳисобламагани юзасидан жиноят иши қўзғатилгани маълум қилинди.

Албатта, очиқ манбаларда тарқалган бу хабарларнинг барчасини “солиқ тизимидаги барча жиноятлар” сифатида баҳолаб бўлмайди. Бунинг учун ваколатли органларнинг йиллик якуний статистикаси керак. Аммо бир нарса аниқ: **турли ҳудудларда такрорланаётган бундай ҳолатлар профилактик ишларни янада кучайтириш зарурлигини кўрсатмоқда.**

Коррупцияга қарши семинарлар, ўқувлар ва тушунтириш ишлари, аввало, қоғоздаги ҳисобот учун эмас, ходимнинг кундалик фаолиятида ўз аксини топиши керак. Солиқ инспектори фуқаронинг маблағи, тадбиркорнинг ҳисоб-китоби ёки корхонанинг солиқ мажбурияти билан ишлаётганини яхши англаши лозим.

Бундан ташқари, инсон омилини камайтириш ҳам муҳим. Электрон тўловлар, шахсий ҳисобварақлар ҳақидаги очиқ ва тушунарли маълумотлар, тўловнинг қайд этилганини фуқаронинг ўзи мустақил текшира олиши каби амалиётлар коррупция учун имкониятни қисқартириши мумкин.

ЖИНОЯТНИ ҚАНДАЙ ЖИЛОВЛАДИНГИЗ?

БАЪЗАН ТАҚДИРНИ ЎЗГАРТИРИШ УЧУН БИРГИНА СУҲБАТ КИФОЯ

Болаликда орзуларим кўп бўлган. Ҳаммасидан алоҳида ажралиб тургани Ватанга хизмат қилиш, одамларнинг оғирини енгил қилиш эди.

Элдор БОБОЖОНОВ,
Яшнобод туманидаги “Қалқон” маҳалласи профилактика инспектори.

Бугун ортга қараб, ички ишлар тизимидаги 26 йиллик хизматимга назар ташлар эканман, бу йўл мен учун шунчаки касб эмас, балки ҳаётимнинг мазмунига айланган қисмат эканини англайман.

Иш столимга ҳар куни ўнлаб мурожаатлар келиб тушади. Уларда акс этган инсон тақдирига дахлдор муаммолар алоҳида ёндашувни талаб қилади. Шу боис ички ишлар ходими, аввало, яхши тингловчи ва руҳшунос бўлиши керак. Одамлар ҳузуримга фақат қонунбузарлик ҳақида хабар бериш учун келмайди, дардини эшитадиган, тиргак бўладиган инсонни излашади.


Иш фаолиятимда бир воқеа ҳеч ёдимдан чиқмайди. Низоли оилалардан бирида эр-хотин ажралиш ёқасига келиб қолганди. Муаммонинг илдизини ўрганганимизда, ҳаммаси оддийгина тушунмовчилик ва ижтимоий-коммунал етишмовчиликдан бошлангани маълум бўлди. Фаоллар билан биргаликда, обдон суҳбатлашдик, дардини эшитдик. Нафақат ҳуқуқий, балки инсоний ёрдам кўрсатдик. Натижада оила сақлаб қолинди.

Маҳалламиз “яшил” тоифада, бунга ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Аввало, “еттилик” ходимларининг ҳамкорлиги натижаси, дейиш мумкин. Ҳар бир низоли хонадон, ишсиз ёшлар ёки хавф гуруҳига кирувчи шахслар билан манзилли суҳбатлар ўтказамиз. Илмий ва мантиқий ёндашув шуни кўрсатадики, жиноятнинг олдини олиш учун инсонга вақтида меҳр, эътибор ва тўғри йўналиш бериш лозим. Самимият ва вазминлик энг оғир вазиятларда ҳам тўғри ечим топишга ёрдам беради.

Тўплаган тажрибамдан келиб чиқиб айта оламанки, жиноятчиликни жиловлашнинг энг самарали тизими қуйидаги уч устунга асосланади:

- ***жазо муқаррарлиги эмас, суҳбатнинг вақтида бўлгани муҳим.*** *Жиноят содир этган шахслар билан гаплашганимда, уларнинг аксарияти биринчи хатони тушкунлик ёки ҳеч ким уларни эшитмаган пайтда қилганини тан олади;*
- ***“еттилик” ходимлари бир тану бир жон бўлиб ишлаши шарт;***
- ***замонавий технологиялар ва маҳалла фаолларининг сергаклиги бирлашганда,*** *ҳудудда “огир” нуқталар қолмайди.*

Ҳозирги кунда фирибгарлик ва ўғриликнинг катта қисми интернетга (пластик карталардан пул ўғрилаш, ёлғон ҳаволалар) кўчди. Таклифим — ҳар бир маҳаллада ёшлар етакчилари билан биргаликда аҳолининг, айниқса, катта ёшлиларнинг рақамли саводхонлигини ошириш бўйича доимий тренинглар ташкил этиш керак.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.



Нукус шаҳридаги “ТОШЛОҚ” ВА “ҚУТЛИ МАКОН” МАҲАЛЛАЛАРИДА аҳолини қийнаётган долзарб муаммоларга ечим топиш мақсадида амалий учрашув ўтказилди.



Зарбдор туманидаги АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ МАҲАЛЛА ҳудудида янги стритбол ва воркаут спорт майдони фойдаланишга топширилди.



СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ Осиё ва Океания минтақасидаги нуфузли ташкилотлардан бири — “Asian-Oceanian Computing Industry Organization”га расман аъзо бўлди.

МУЛОҲАЗА

Саломатлик билан боғлиқ танлов олдида қолганда инсоннинг кўзига на пул, на мол-дунё кўринади. Ягона умид — шифокор ёзиб берган ўша бир парча қоғоздаги дорилардан бўлади. Афсуски, шундай чорасиз лаҳзани кимдир “қулай бизнес имконияти”, деб билиши, бировнинг фожиаси устидан бойлик орттиришни кўзлаши ҳеч бир мезонга тўғри келмайди.

Одамлар қайғусидан пул ишлаш — тадбиркорлик эмас, ноинсофликдир!

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

Ўзбекистон Республикаси Рақобат қўмитаси маълумотлари кишини мушоҳадага ундайди.

— Ўтказилган “сирли мижоз” тадбирида дорихоналарда айрим ҳаётий муҳим дори воситаларининг белгиланган нархдан 3 баробардан 6 баробаргача қиммат сотилаётгани аниқланди, ***— дейди Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси масъул ходими Фарҳод Сулаймонов.*** *— Масалан, асл нархи қарийб 66 минг сўм бўлган “Конвулекс” дориси фуқароларга 395 минг сўмдан пулланган. Бу рақамлар ортида юзлаб оилаларнинг фожиаси, балки охирги пулига дори ололмай кўз ёши тўккан ота-оналарнинг изтироби ётибди.*



Хўш, нега дорихоналар қонунчиликда қатъий чекланган 20 фоизлик чакана устама қоидасини очиқчасига айланиб ўтиб, инсоф чегараларини бузмоқда?

Фармацевтика бозорида нархларнинг жиловланмай қолаётгани ортида фақат тадбиркорнинг инсофсизлиги эмас, балки йиллар давомида илдиз отган тизимли муаммолар ҳам ётибди.

Бозорга айрим дори воситаларини олиб кирувчи воситачилар ёки йирик улгуржи етказиб берувчилар чекланган. Маълум бир дори воситаси бозорда камайганда ёки тиббий кўрсатмалар туфайли унга талаб кескин ошганда, дорихоналар ва таъминотчилар вазиятдан фойдаланиб қолишга уринади. Боласи эпилепсия хуружидан азоб чекаётган она учун дорининг баҳоси қанча бўлишидан қатъи назар, уни топиш мажбуриятдир. Дорихоналар мана шу чорасизликни жуда яхши билишади.

Амалдаги қонунчиликка кўра, нархни оширганлик учун жарималар ёки лицензияни вақтинча тўхтатиш чоралари кўрилади. Бироқ, дори воситасини 5-6 баробар қиммат сотишдан тушадиган ноқонуний фойда ҳажми эҳтимолий жарималар миқдоридан анча юқори. Тадбиркор “бир марта қўлга тушсам жаримасини тўлайман, лекин унгача топган миллионларим ёнимга қолади”, деган ҳисоб-китоб билан иш тутади.

Шифохона эшиги тагида турган одам нарх борасида тортишиб ўтирмайди, унда бунга на вақт, на руҳий қувват бўлади. Кўпчилик беморлар ёки уларнинг яқинлари дори воситасининг Давлат реестрида белгиланган энг баланд чакана нархи борлигидан ва уни телефон орқали текшириш мумкинлигидан бехабар. Айтилган нархни тўлаб, чиқиб кетаверишади.

Сир эмаски, айрим шифокорлар беморларга айнан маълум бир ном остидаги дорини фақат бир дорихонадан сотиб олишни “тавсия қилишади”. Рўйхатга махсус кодлар ёки шифокорнинг исми ёзилган варақча илова қилинади. Бундай сунъий йўналтириш натижасида ўша дорихона мутлоқ мавқега эга бўлиб, нархни хоҳлаганча белгилаш имкониятини қўлга киритади. Келган фойдадан шифокорга ҳам “улуш” ажратилади.

Хўш, тизимни қандай соғломлаштириш мумкин? Муаммони фақатгина текширув ва жарималар билан бутунлай тузатиб бўлмайди. Бунинг учун ҳаётий ва кескин ислоҳотлар зарур.

Жумладан, нарх меъёрдан ошиб кетса, онлайн назорат-касса машинаси (НҚМ) тизими чекни блоклаши ёки Солиқ қўмитаси ва Рақобат қўмитасига хабар юбориши керак. Нарх қонуний чегарадан баланд бўлса, касса ишламаслиги шарт.

Нархни асоссиз оширган дорихоналарнинг лицензияси вақтинча эмас, балки бутунлай бекор қилиниши ва уларнинг таъсисчиларига қайта фармацевтика билан шуғулланиш тақиқланиши лозим. Инсон ҳаётини пуллаган тадбиркор соҳадан бутунлай ҳайдалиши керак.

Ҳар бир дорихона пештахтасида асл нархларни текшириш учун Соғлиқни сақлаш вазирлигининг расмий QR-кодлари ёки соддалаштирилган мобил иловаларга ҳаволалар мажбурий тартибда кўринадиган жойга қўйилиши шарт.

Дори-дармон, бу — ҳашамат, қимматбаҳо тақинчоқ ёки исталган пайтда воз кечиш мумкин бўлган буюм эмас. У инсон ҳаётини сақлаб қолувчи сўнгги умид. Ана шу умидни бозорга солиш шунчаки иқтисодий қоидабузарлик эмас, балки инсонийлик ва виждонга қарши жиноятдир.

НУҚТАИ НАЗАР

ОҚИБАТ БИЛАН КУРАШИШДАН САБАБНИ ТОПИШ ОСОН

Бир неча йил аввал ўғлим Жавҳарбекни боши оғрийверди. Ҳиндистонга кетдик, нейрохирургга учрашдик. Бир пайтнинг ўзида ўн икки соҳа шифокори текширди. Суягини, жигарини, юрагини, буйрагини, қон айланишини кўриб, ўзаро маслаҳатлашди. Сабабини сўрасам, ярани тузатишдан олдин, уни келтириб чиқарган сабабларга барҳам бериш керак, йўқса, яна қайталайди, бошқа жойдан чиқади, дейишди.

Муҳаммад ИСМОИЛ.



Жамиятда пайдо бўлаётган иллатлар ҳам ана шу ярага ўхшайди. Бу борада яқинда жуда катта тарихий қадам ташланди. Олий Мажлис Сенати болаларни зўравонликдан ҳимоя қилишга қаратилган янги қонунни маъқуллади. Унга кўра, 14 ёшга тўлмаган болаларга нисбатан жинсий зўравонлик содир этган шахсларга 25 йилгача ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланмоқда.

Муддатидан олдин шартли озод қилиниш, жазони енгилроғи билан алмаштириш ёки жиноий жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетиши каби имтиёзлар бутунлай бекор қилинмоқда.

Лекин шу билан муаммо йўқолади, деб бўлмайди. Менимча, уларнинг пайдо бўлиш сабабларини тугатиш шарт ва лозим.

Миллий мафкурамизга ёт нарсаларни чеклаш пайти келди. Ҳозир ижтимоий тармоқдан турли мавзудаги видеоларни топиш мумкин, ҳаммаси очиқ-ошкора. Истаган одам, истаган пайтда уларни чекловларсиз кўра олади. Бу — худди бўрини олдига қўзичоқни ташлаб қўйгандай гап. Чунки юртдошларимизнинг ҳаммасида ҳам бунга қарши иммунитет шаклланмаган, тез таслим бўлади. Қолаверса, инсон зоти шундай, маишатга, айш ишратга, ҳузурга мойил.

Телекўрсатувларни ҳам ислоҳ қилиш керак. Миллатимиз ривожига, тафаккурига, тараққиётига, Ўзбекистон халқини дунёдаги энг билимли, тарбияли, ахлоқли халқлардан бирига айланишига ҳисса қўшмайдиган ҳар қандай кўрсатувни эфирдан олиб ташлаш лозим.

Аксинча, олимлар, файласуфлар, илм чўққиларини эгаллаётган ёшлари, спорт соҳасида катта ғалабаларга эришган чемпионлари, мутафаккир шоир, ёзувчилари, эзгу ишлари билан ўрнак бўла оладиган оқсоқоллари, фидойи тадбиркорлари чиқсин.

Фарзандларимизнинг чет элларга ўқишга юборяпмиз. Улар дунё тараққиётидан баҳраманд бўлишади. Аммо юртимизга қайтиб келишсагина бу ҳол, яхши. Бўлмаса, миллатимизнинг ноёб гулларини бировларга текинга тақдим этган бўламиз.

Тасаввур қилинг, боламизни боғчага, мактабга берамиз. Давлат унинг таълим олиши учун қанчадан-қанча пул сарфлайди. Қўшимчасига ўзимиз тўлаймиз. У ўн етти, ўн саккиз ёшга етгунича миллионлаб сўм сарфлаймиз. Кейин нима бўлади? Бола чет элга кетади ва қайтиб келмайди. Бу каби кўнгилсизликлар содир бўлмаслиги учун болаларимизни Ўзбекистонга кучли муҳаббат руҳида ўстиришимиз керак.

БИЗДА ШУНДАЙ...

НЕГА УЗОҚДАГИ ҚАРИНДОШДАН ЯҚИНДАГИ ҚЎШНИ ЯХШИ, ДЕЙМИЗ?

Ҳеч эътибор берганмисиз, хали қуёш чиқмаган паллада дарвоза ортидан супургининг таниш ва бир маромдаги овози эшитилади. Бу қўшни аёлнинг ўз ҳудуди билан бирга, сизнинг дарвозангизнинг ярмигача қўшиб супураётганидан дарак. Ортидан, албатта, кўчага сув сепилади.

Дилбар ҲАЙДАРОВА.
Чортоқ тумани.

Бу — шунчаки тозаликка интилиш эмас, “Мен сизни ҳурмат қиламан, кўчангиздан чанг кўтарилишини истамайман”, деган кўринмас, тилсиз риштадир.

Ўзбек маҳаллалари ҳаётида майда, аммо жуда чуқур маънога эга урфлар кўп. Масалан, хонадонда қозон куйса, айниқса, унда бирон тансиқроқ таом, масалан, палов ёки хоним пиширилаётган бўлса, ҳиди албатта, девор ортига ўтади. Шу заҳоти липпасига иссиқ нон ёки ликопчага овқат солиб, қўшниникига чиқилади. Бу “бизда бор, сизларда ҳам бўлсин”, деган ички маданиятнинг кўринишидир.

Оилавий бирор ёққа кетилаётганда дарвозага қулф осилади ва калит қўшнига берилади. Ёки шунчаки “Биз кетяпмиз, уйга кўз-қулоқ бўлиб туринг”, деб тайинланади. Маҳаллада ҳеч бир бегона одам қўшниларнинг эътиборидан четда қолмайди. Дарвоза олдида бегона киши тўхтаса, девордан бўйлаб, “кимни сўраяпсиз?”, деб суриштирилади.

Ҳа, бошингизга иш тушганда энг аввал қўшнингиз етиб келади. Кимдир тўсатдан касал бўлиб қолса, энг аввал қўшни ёрдамга шошади. Маросимларда ҳам, қувончда ҳам энг катта жисмоний ва ташкилий юкни улар ўз елкасига олади. Ўзбек маҳалласидаги қўшничилик, инсонни ёлғизликдан ва кутилмаган хавфлардан ҳимоя қилувчи тизимдир.



ТАЛҚИН

Банклар энди сизни алдай олмайди...(ми?)

Тасаввур қилинг, сизга зудлик билан пул зарур. Телефонда “фоизлик муддатли тўлов” ёки “Ҳеч қандай ҳужжатларсиз 5 дақиқада кредит”, деган жозибали рекламани кўриб қолдингиз. Хурсанд бўлиб, банкка бордингиз, шартномага имзо чекдингиз.

Хайрулло ФАЙЗ.

Аммо бир ойдан кейин билсангиз, унинг фоизидан ташқари, яна аллақандай яширин комиссиялар, суғурта тўловлари ва хизмат ҳақлари бор экан. Натижада чўнтагингиздан кутганингиздан анча кўп пул чиқиб кетди.

Шу каби тузоқларга тушмаслигимиз учун давлат жуда муҳим қадам қўйди. Адлия вазирлиги Марказий банки бошқарувининг айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига қўшимчалар киритиш ҳақидаги қарорини рўйхатдан ўтказди. Бу ҳужжат оддий одамларни банкларнинг “айёрликларидан” ҳимоя қилишга қаратилган.

Келинг, янгилик бизга нима беришини кўриб чиқамиз. Энди банклар фақат кредитни чиройли кўрсата олмайди. Рекламанинг камида 10 фоиз жойида “Диққат, кредит тўлай олмасангиз, уй-жойингиз ёки мулкингиздан айрилишингиз мумкин”, деган огоҳлантириш катта ҳарфлар билан туриши шарт.



Кўпинча энг муҳим, хавфли шартлар энг пастда, майда ҳарфлар билан ёзиларди. Бундан буён шартноманинг биринчи саҳифасида, тепада саҳифанинг учдан бир қисмини (30 фоиз) эгаллайдиган катта огоҳлантириш бўлади. Кўзингиз мажбур шу огоҳлантиришга тушади.

Агар бирор банк одамларни чалғитувчи, яширин фоизлари бор кредит таклиф қилса, Марказий банк унга янги филиал очишни ёки айрим амалиётларни 6 ойгача тақиқлайди.

Хўш, тизим янада яхши ишлаши учун нималар қилиш керак? Янги қонун ҳаётда ҳам фойда бериши учун огоҳлантириш матни ҳамма банкда бир хил бўлсин! Марказий банк шартноманинг тепасига ёзиладиган 30 фоизлик огоҳлантиришнинг тайёр, содда тилдаги намунасини бериши керак. Акс ҳолда, банклар у ерга ҳам юридик тилдаги тушунарсиз сўзларни тўлдириб ташлаши мумкин.

Ҳозир кўпчилик телефон орқали онлайн кредит оляпти. Иловаларда тугмани босишдан олдин, экранда “Сиз мана бунча ортиқча пул тўлайсиз, розимисиз?”, деган катта ёзув чиқишини мажбурий қилиб қўйиш лозим. Мижоз ўшани ўқиб, розилик бермагунча пул берилмасин!



Саҳифани “Mahalla” мухбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.



Бухородаги 2 та мактабгача таълим ташкилотида Хитой тажрибаси асосида “Anji Play” методикаси жорий этилади.



КАСБИ ТУМАНИДАГИ “ДЕНОВ” МАҲАЛЛАСИДА пахта ва сунъий толадан аралаш ип-калава ишлаб чиқариш лойиҳаси иш бошлайди.



Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ташаббуси билан БАНДИХОН ТУМАНИДАГИ “САРОЙ” МАҲАЛЛАСИДА аҳоли билан ҳуқуқий тарғибот тадбири ўтказилди.

ҲАЁТ САБОҒИ

ФАРЗАНДНИ ТАРБИЯЛАШДАН ОЛДИН УНИ АНГЛАШ КЕРАК

Афсуски, интернет тармоқларида болага нисбатан шафқатсиз муносабатнинг оғир манзараларини кўриб қоляпмиз. Жазо бериш баҳонасида боланинг танасига иссиқ буюм босиш, қўрқитиш, уриш каби кескин чоралар қўлланаётганини кўрган одамнинг беихтиёр эти жимирлаб кетади.

Шаҳноза ХАЛИЛОВА.



Баъзан инсон ўзидаги бор неъматнинг қадрини уни йўқотиш хавфи пайдо бўлгандагина англайди. Фарзандининг шўхлигидан чарчаган она дунёда фарзанд кутиб яшаётган қанча аёллар борлигини ўйлаб кўрса, балки ўзининг “муаммоси”га бошқача қарар.

Жаҳли чиқиб, “Болам гапимга кирмайди”, деган ота-она дунёда 34 миллион бола эшитиш қобилиятининг йўқолиши ёки бузилиши билан яшаётганини билса, фарзандининг “гапга кирмай” турган овозини бошқача қадрлаши мумкин.

“Овқат танлайди, ҳеч нарса емайди”, деб нолиётганлар эса 5 ёшгача бўлган 181 миллион бола оғир озиқ-овқат танқислиги шароитида яшаётганини эсласа, дастурхондаги инжиқликнинг ўзи ҳам неъмат эканини ҳис этиши мумкин.

“Нуқул касал бўлади”, деган нолишларимиз орасида ҳар йили дунё бўйича тахминан 400 минг бола ва ўсмирда саратон аниқланишини билиш ҳам одамни бир зум сукутга чўмдиради...

Бу рақамларни келтиришдан мақсад ота-онани айбдор қилиш эмас. **Аксинча, баъзан муаммо деб кўраётган нарсамиз аслида бизга берилган муҳташам иноятнинг бошқа кўриниши эканини эслатишдир.**

*— Менинг олдимга кўпинча оналар мурожаат билан келади, **— дейди психолог Мунаввар Умарова.** — Улардан бири фарзанди шўхлик қилиб, “қилма” деганини қилавериши, гапига қулоқ солмаслиги сабаб жаҳлини тия олмаслигини, баъзан болага тарсаки туширib юборишини айтди. Бундай вазиятда фақат боланинг хатти-ҳаракатига қараб хулоса чиқариб бўлмайди. Она ҳам руҳий жиҳатдан зўриққан, чарчаган бўлиши мумкин. Энг муҳими, у боланинг хатти-ҳаракатини жазолашдан олдин унинг сабабини тушунишга ўрганиши керак.*

...Бир куни психологнинг олдига уч ойдан буён ўз устида астойдил ишлаётган ёш оналардан бири кўзларида ёш билан кириб келади. У шоша-пиша:

— Биласизми, Мунаввар опа, кеча нима бўлди? — дея гап бошлайди.

У уч ой давомида тавсия қилинган китобларни ўқиган, фарзанди билан чин дилдан суҳбатлашишни, унинг руҳиятини тушунишга ҳаракат қилишни одат қилган эди. Аммо кеча яна эски феъли устун келаёзган.

Уйида меҳмон кутишарди. Аёл эрталабдан уйининг ҳар бир бурчагини саранжом-сариштा қилиб чиқди. Ошхонада иш билан банд бўлиб турганида меҳмонхонага кирса, кўрган манзарасидан юраги орқасига тортиб кетди: диванлардан тортиб, стол усти ва гиламларгача тупроққа беланган, лойдан ясалган чойнак ва турли буюмлар стол устига териб чиқилган. Эшик очиқ. Бола эса ўз ишидан мамнун. Онанинг жаҳли чиқди. Шунча меҳнат, шунча тозалик, меҳмон келишига саноқли вақт қолган. Бир зумда тарсаки туширib юборишига оз қолди. Аммо ўзини зўрға тийиб, аввал сўради:

— Нега бундай қилдинг?

Боланинг жавоби эса онанинг жаҳли ўрнига кўзига ёш олиб келди:

— Ойижон, меҳмонлар келишига уйни безаб қўйдим. Энди улар ҳам хурсанд бўлишади. Сизга ёрдам берай дедим...

Она жим қолди. Бир неча дақиқа аввал у “уйни тўзғитган бола”ни кўраётган эди. Энди эса кўз олдида “онасига ёрдам бермоқчи бўлган бола” турарди...

Эҳтимол, тарбиянинг энг катта сири ҳам шундадир: болани фақат ўзгартиришга уринмай, аввал уни тушунишга ҳаракат қилиш.

*— Бундай ҳолатлар бизда жуда кўп учрайди, **— дейди психолог.** — Биз ота-оналарга, аввало, бола билан муносабатга киришишни, у билан тиллашишни ўргатамиз. Катталар кичиклардан катталардек мулоҳаза қилишни кутмаслиги керак. Бола ҳали ҳаётни биз каби кўрмайди. Унинг дунёсида деворга чизилган расм ҳам гўзаллик, лойдан ясалган чойнак ҳам совға, онасига “ёрдам” бериш эса энг катта меҳр ифодаси бўлиши мумкин.*

Шунинг учун ота-она бўлиш фақат фарзанд кутишдан бошланмайди. Аввал ота-она ўзини тарбиялаши керак. Жаҳли чиққанда тийилиши, боланинг ёшига яраша фикрлашини англаш, “нега бундай қилди?”, деган саволни “қандай жазолайман?”, деган саволдан олдин қўйиш ҳам тарбиянинг бир қисмидир. Бунинг учун меҳрнинг ўзи етмайди — илм, сабр, кузатув ва ўз устида ишлаш ҳам керак.

МАТОНАТ

Ҳаёт унга берганидан кўра, у ҳаётга кўпроқ берди

Ҳаёт инсонга синовни унинг бардошига яраша беради, дейишади. Аммо айрим тақдирларга қараб, бу гапнинг маъноси янада теранроқ англашилади. Чунки ҳали гўдаклигидаёқ синовга дуч келган, улғайгани сари ўша синоатларни енгиб, ўз ҳаётини ўзи бунёд этган инсонларни кўрсангиз, ҳар бир кунингиз учун шукр қилишни ўрганасиз.



Одилбек Усмоновнинг кечмиши ҳам ана шундай ибратли тақдирлардан бири. У ҳеч қандай асар ёки кино қаҳрамони эмас. У биз билан бир замонда, одамлар орасида яшаётган, меҳнат қилаётган, спорт билан шуғулланаётган ва ўз орзулари сари дадил интилаётган тирик матонат тимсолидир.

...Фарғона вилоятининг Тошлоқ туманида ўша машъум воқеа содир бўлганида Одилбек эндигина бир ярим ёшли гўдак эди. Қиш фасли. Сандал ўти янгиланиб, иссиқлик таратаётган бир пайтда ухлаб ётган жажжи Одилбек бехосдан сандал ичига думалаб тушиб кетади. Олинган оғир куйишлар оқибатида унинг икки оёғини кесиб ташлашга тўғри келади. Ўшандан буён у II гуруҳ ногирони. Бугун эса протез оёқлари билан юради.

У болалигидан тақдирига ачиниш билан қарашнинг ўрнига имконият излашни ўрганди. Махсус ногиронлар мактабида эмас, тенгдошлари билан бирга маҳалласидаги мактабда таҳсил олди.

Жисмда нуқсон бўлиши мумкин, инсоннинг иродасида нуқсон бўлмасин экан. Одилбек бу фикрнинг ростлигини ўз ҳаёти билан исботлади. У тақдир бўрони қаршисида чекиниш ўрнига, ўзининг ақлий ва жисмоний имкониятларини ишга солишни танлади. Марғилон иқтисодиёт коллежида бухгалтерия йўналишида таҳсил олди. Кейинчалик пайвандчилик касбига қизиқди. Бугун унинг ўз пайвандлаш устахонаси бор. У ерда турли буюмлар ясаб, меҳнати эвазига даромад топади.

Унинг ҳаёти биргина касб билан ҳам чекланиб қолмаган. У спорт билан шуғулланади, шогирдлар тайёрлайди, бўш вақтида ҳайдовчилик қилади. Гўё ҳаёт унга “қўлингдан келмайди”, деган саволни қайта-қайта бериб келгандек. Одилбек эса ҳар сафар ўз меҳнати билан жавоб қайтарган.

У ядро, диск ва найза улоқтириш, армрестлинг, пауэрлифтинг, оғир атлетика, тўппончадан ўқ узиш каби спорт турлари билан шуғулланади. Халқаро ва республика миқёсидаги мусобақаларда совринли ўринларни эгаллаган. Жумладан, 2010 йилда Қувайтда бўлиб ўтган Осиё Гран-присида ядро улоқтириш бўйича учинчи ўринни қўлга киритган. 2011 йилги жаҳон чемпионатида армрестлинг бўйича бешинчи ўринни эгаллаган, Осиё чемпионатларида эса икки марта иккинчи ўрин соҳиби бўлган.

*— Ногирон бўлсам-да, соғлом дўстларимиз билан футбол ўйнаб, спорт тўгаракларига борганим учун ҳам ҳар жабҳада етти мучаси соғлом одамлардан ўзимни кам, деб билмаганман, **— дейди Одилбек.***

Бугун Одилбекнинг ҳаётига қарасангиз, унда фақат курашни эмас, оддий инсоний қувончларни ҳам кўрасиз. Ҳовлисида устахонасига тегишли асбоб-ускуналар туради. Яна бир четида донлаб юрган ўрдакларни кўриш мумкин.

Тақдир унинг болалигидан бир нарсани олиб қўйган бўлиши мумкин. Аммо у ҳаётга бундан-да каттароқ муваффақиятлар билан жавоб қайтарди.

ҲАМКОРЛИК

ЎЗБЕКИСТОН — ҲИНДИСТОН: АСРЛАР БОШЛАГАН СУҲБАТНИНГ ЯНГИ САҲИФАСИ

Минг йиллар бурун карвонлар Буюк ипак йўли бўйлаб нафақат ипагу зираворларни, балки ғоялар, ҳикоялар ва тилларни ҳам ташиб юрган. Ўша узоқ ва машаққатли йўлларнинг бир учи Самарқанду Бухоронинг гумбазларига, иккинчи учи эса Ганг дарёси бўйларидаги маъбад ва бозорларга туташган.

Фарина ОЙБЕКЗОДА,
Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси.

2026 йил август ойининг сўнгги кунлари Тошкент учун алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Ҳиндистон Бош вазири Нарендра Модининг пойтахтимизга ташрифи икки давлат муносабатларида ҳақиқий бурилиш нуқтасига айланди.

Ташриф натижаси ўлароқ, ўнлаб ҳужжатлар имзоланди: 2026-2030 йилларга мўлжалланган маданий алмашинувлар дастури, олий таълим ва илмий тадқиқотлар соҳасидаги ҳамкорлик битими, шунингдек, қадимий Самарқанд вилояти билан ҳинд санъати ва меъморчилиги билан машҳур Гужарат штати ўртасидаги шериклик тўғрисидаги ҳужжат. Ташриф якунида Нарендра Моди Ўзбекистоннинг **“Олий Даражали Дўстлик” ордени** билан тақдирланди — бу мукофот икки давлат ўртасидаги ишончнинг энг юксак рамзи бўлди.

Агар дипломатия давлатлар ўртасидаги кўприк бўлса, таълим — бу кўприкдан ўтаётган минглаб ёш қалбларнинг йўлидир. Бугун Ўзбекистон олий ўқув юртларида 50 дан ортиқ мамлакатдан келган қарийб 24,7 минг нафар хорижлик талаба билим оляпти. Диққатга сазовор жиҳати шундаки, уларнинг ярмидан кўпини — 13 мингдан ортиғини айнан ҳиндистонлик ёшлар ташкил этади.

Моди ташрифи чоғида Ҳиндистон томони яна бир қалбга яқин ташаббусни эълон қилди. Ҳиндистоннинг собиқ Бош вазири Лал Баҳодур Шастри хотирасига ҳурмат юзасидан унинг номидаги 100 нафарлик стипендия дастури ўзбекистонлик ёшларга ҳинд тилини ўрганиш учун очиб берилди. Шунингдек, Тошкент давлат шарқшунослик университетида Ҳиндистон Маданий алоқалар кенгаши (ИССР) ташаббуси билан санскрит кафедраси ташкил этилади — бу эса қадим ҳинд фалсафаси ва адабиёти хазинасига бевосита эшик очадиган ноёб имконият.

Сўнгги йилнинг ўзида мамлакатимизга 80 мингдан ортиқ ҳинд сайёҳи ташриф буюрди — бу рақам Мумбай ва Деҳлининг гавжум кўчаларидаги экранларда туну кун намойиш этилаётган Ўзбекистон ҳақидаги видеороликларнинг бежиз эмаслигини кўрсатади.

Эҳтимол, икки халқни бир-бирига энг тез ва энг самимий тарзда яқинлаштирадиган восита, бу — санъат, хусусан, кинодир. 2026 йилда Ҳиндистоннинг Гоа шаҳрида бўлиб ўтган халқаро кинофестивалда ўзбекистонлик ижодкорларнинг иштироки ҳам ушбу ҳамкорликнинг яна бир ёрқин саҳифаси бўлди. Ёш томошабинлар қалбига йўл топган яна бир лойиҳа — анимацион кино соҳасидаги ҳамкорлик. “Буюк боболарим болалиги” номли 3D-анимацион фильмлар туркуми Калкуттада ўтказилган Халқаро болалар фильмлари фестивалида намойиш этилди. Абу Райҳон Беруний ва Муҳаммад Хоразмий каби буюк алломаларнинг болалик йиллари ҳақида ҳикоя қилувчи бу мультфилмлар орқали дунёнинг бир чеккасидаги болакай Хоразм чўлларида ўсган кичик Хоразмийнинг илмга бўлган чексиз иштиёқини ҳис қила олади.

Буюк ипак йўлининг карвонлари узоқ вақт олдин тўхтаган бўлса-да, улар бошлаб берган йўл ҳеч қачон тугамайди — у энди самолёт рейсларида, университет аудиторияларида, кино экранларида ва саҳна рақсларида давом этмоқда. Ва бу йўл нафақат икки давлат, балки бутун минтақа учун янги имкониятлар ва янги умидлар эшигини очиб бераётир.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА...

“АДВОКАТЛИК ОСОНМИ?”

Абдулла Авлоний сатирасида жамиятнинг уйғониш эҳтиёжи

Абдулла Авлонийнинг “Адвокатлик осонми?” асарини фақат касб ҳақида ёзилган ҳажвий асар, деб баҳолаш унинг асл моҳиятини торайтириб қўяди. Авлоний адвокатликни баҳона қилиб, ўз даврининг ижтимоий манзарасини очиб беради.

Шаҳноза ХАЛИЛОВА.

Китобхон айрим вазиятлардан кулади, қаҳрамонларнинг гап-сўзидаги ғалати жиҳатларга беихтиёр жилмаяди. Аммо кулги ортидан қаралса, бу ерда ҳажвдан-да оғирроқ манзара бор: ўз ҳақ-ҳуқуқини билмайдиган, муаммосининг ечимини излашдан кўра, бошқаларга суянишга одатланган, саводсизлиги сабаб турли кўнгилсизликларга дуч келаётган инсонлар тақдири...

Асар марказидаги Давронбек Россияда етти йил таҳсил олиб, адвокат бўлиб юртига қайтади. У юртида илм ва замон ўзгаришини кўришни кутади. Бироқ қаршисидаги манзара унинг умидларини оқламайди. Адвокат ҳузурига турли масалалар билан келаётган кишилар ўз дардини айтишга уринади, лекин кўпинча масаланинг ҳуқуқий томонини англаш, воқеани изчил тушунтириш, далил билан гапириш уларга қийин. Шу тариқа Давронбекнинг касбий билимлари билан атрофидаги муҳит ўртасида катта тафовут юзага келади.

Авлоний ана шу тафовутни аччиқ қочиримли вазиятлар орқали очади. Лекин унинг ҳажви одамларнинг устидан шунчаки кулиш учун хизмат қилмайди. Сатиранинг тиғи шахсга эмас, иллатга қаратилган. Муаллиф бир аризачининг ғалати гапларини кўрсатар экан, аслида, бутун бир муҳитни фош қилади. Нега инсон ўз масаласини аниқ баён қила олмайди? Нега у қонунни билмайди? Нима учун бошига иш тушгандагина ёрдам излайди? Нега ҳуқуқий масалани тушуниш учун йиллар давомида билим олиш зарурлигини англамайди?

Авлоний шу орқали яна бир ҳақиқатни кўрсатади: биргина маърифатли одамнинг пайдо бўлиши билан жамият бирдан ўзгариб қолмайди. Ўзгариш учун ҳуқуқий онг, савия, масъулият ва кундалик маданият биргаликда шаклланиши керак.

Асарда жаҳолат ҳам айнан шу нуқтадан кўринади. Уни фақат ўқиш-ёзишни билмаслик билан чеклаб бўлмайди. Инсон ҳужжатнинг мазмунини тушунмасдан имзо қўйса, ўз ҳақини билмай бировнинг гапига эргашса, муаммони қонуний йўл билан ҳал қилиш ўрнига таниш-билиш қидира бошласа, бунинг замирида ҳам маърифий заифлик ётади.

Авлоний даврида одамнинг ҳуқуқий билимсизлигидан айрим кимсалар фойдаланиши мумкин бўлган бўлса, бугун бундай ҳолатнинг кўринишлари янада ранг-баранг. Масалан, шартномани ўқимасдан имзолаш, кредит шартларини тушунмасдан мажбурият олиш, интернетдаги номаълум “маслаҳатчи”га ишониш, расмий ҳужжат ўрнига танишнинг ваъдасини



етарли деб ҳисоблаш, иш жойидаги ҳуқуқларини билмасдан рози бўлиб юриш — буларнинг барчаси замонавий ҳаётдаги ўша эски муаммонинг бошқа қиёфалари. Фарқ шундаки, алдовнинг воситаси замонавийлашди, инсоннинг ишонувчанлигидан фойдаланиш ҳолати эса ўзгармади.

“Адвокатлик осонми?” бугун бизга ҳам бевосита мурожаат қилаётгандек: қонунни билишдан олдин, ўз ҳақимизни англашни; бошқалардан ёрдам кутишдан олдин, ўз масъулиятимизни тушунишни ўрганяпмизми? Авлоний бир аср аввал кулги билан берган саволнинг жиддийлиги ҳам айнан мана шунда.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.



Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Ўзбекистоннинг бирламчи тиббий-санитария ёрдамини САККИЗТА ХАЛҚАРО КЕЙСДАН БИРИ сифатида эътироф этди.



Ҳар йили октябрь ойининг биринчи ҳафтаси мамлакатимизда “СИЁСИЙ ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИНИ ЁД ЭТИШ ҲАФТАЛИГИ” сифатида нишонланади.



Испанияда ТАЭКВОНДО БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН ЖАҲОН КУБОГИДА Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 17 та медаллар шодасини қўлга киритди.

МАҲАЛЛАМИЗ ИФТИХОРИ

Спортда баъзан баландлик фақат метр билан ўлчанмайди. Унинг ортида инсон иродаси, сабри, машаққати ва ўз олдига қўйган мақсади туради. Барнохон Сайфуллаева учун эса ҳар бир янги баландлик — кечагидан бир қадам юқори туриш, ўз имкониятларини яна бир бор синаб кўриш демакдир.



СПОРТЧИНИНГ ЭНГ КАТТА РАҚИБИ — КЕЧАГИ НАТИЖАСИ

Нуҳриддин НИШОНХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон жисмоний тарбия ва спорт университети ўқитувчиси.

2026 йил 29 сентябрь. Япония. Аичи — Нагоя Осиё ўйинлари. Барнохон навбатдаги баландлик олдида турибди. Бир лаҳза. Югуриш. Депсиниш. Сакраш...

НАТИЖА — 1 МЕТР 90 САНТИМЕТР!

Бу нафақат олтин медаль, балки спортчининг шахсий рекорди ҳам эди. Шу тариқа Барнохон Сайфуллаева Осиё ўйинлари чемпиони деган шарафли номга эришди. Ўзбекистон делегацияси учун унинг ғалабаси муҳим олтин медаллардан бири бўлди.

Барнохон 2005 йил 5 февралда Қашқадарё вилоятида туғилган. Унинг енгил атлетикадаги натижалари йилдан-йилга ўсиб борган. 2020 йилдаёқ мамлакат чемпионатларида юқори ўринларни эгаллай бошлаган. 2021 йилда 1,84 метр, 2022 йилда 1,83 метр натижаларни қайд этган.

2022 йилда Қувайтда ўтказилган Осиё чемпионатида 1,84 метр натижа билан ғолиб бўлгани эса унинг халқаро майдондаги жиддий қадамларидан бири бўлди. Кейинги йилларда ҳам у ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионатларида юқори натижалар қайд этди. 2023 ва 2024 йилларда Осиё чемпионатларида олтин медалларни қўлга киритди.

Демак, бугунги 1,90 метрлик натижа бир кунда эришилган ғалаба эмас. У йиллар давомида босиб ўтилган йўлнинг мантиқий давоми.

“МАҚСАД ҚИЛСАНГ, ҲАРАКАТДАН ТЎХТАМА”

— Барнохонни ёшлигидан ғайрати, интилиши билан ажралиб турадиган қиз сифатида билардик. Унинг ҳар бир мусобақага жиддий тайёргарлик кўриши, мақсади сари қатъият билан интилиши бизга ҳамиша қувонч бағишларди, ***— дейди Касби туманидаги “Дўстлик” маҳалласи раиси Абдурасул Бўронов.*** *— Бугун унинг Осиё ўйинларида 1,90 метр баландликни забт этиб, олтин медаль олгани нафақат оиласи ва устозлари, балки бутун Қашқадарё аҳли учун катта фахр бўлди. Барнохоннинг бу галабасида йиллар давомидаги меҳнат, сабр ва ўз устида ишлаш мужассам.*

Қизимизнинг ютуги маҳалладаги бошқа ёшларга ҳам катта ибрат бўлмоқда. Чунки ҳар бир катта натижа ортида кичик қадамлар, машаққатли меҳнат ва ишонч туради. Барнохон ана шу йўлдан бориб, тенгдошларига “мақсад қилсанг, ҳаракатдан тўхтама” деган ҳаётий сабоқни кўрсатди.

Биз маҳалла фаоллари бундай ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтидори ва интилишини рағбатлантиришни муҳим вазифа деб биламиз. Барнохоннинг бугунги зафари эртанги янада баланд марралар сари қадам бўлишига ишонамиз.

Спортда шоҳсупага чиқиш учун фақат истеъдоднинг ўзи кифоя қилмайди. Унинг ёнига интизом, сабр, машаққат ва мақсадга содиқлик қўшилиши керак. Бугун у Осиё ўйинлари чемпиони. Эртага эса олдида янада баланд марралар бўлиши табиий.

Ахир баландликка сакрайдиган спортчининг энг катта рақиби — кечаги натижаси. Барнохон Сайфуллаева эса кечаги баландликлардан ошиб ўтишни аллақачон одатга айлантирган.

МУҲОКАМА УЧУН МАВЗУ

Хорижга чиққан киши ўзи билан бирга, юртининг шаънини ҳам ўз зиммасига олади. Унинг оддий муомаласи, қонунга муносабати, меҳнатга масъулияти, ҳатто жамоат жойидаги одоби ҳам у мансуб бўлган халқ ҳақида муайян тасаввур уйғотади. Шу маънода, чет элда юрган ўзбекистонлик учун ҳар бир қадам — шахсий ҳаракатгина эмас, миллий обрў масаласи саналади.

Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА,
“Mahalla” мухбири.



ХОРИЖГА ЎЗБЕК НОМИНИ ҚАНДАЙ ТАНИТЯПМИЗ?

Яқинда Латвия Ички ишлар вазирлигининг Ўзбекистон фуқароларига виза беришни маълум муддатга тўхтатиш ҳақидаги таклифи ана шу ҳақиқатни яна бир бор эслатди. Вазирлик ташаббусини Латвияга борган Ўзбекистон фуқаролари иштирокидаги айрим ҳолатлар, жумладан, вояга етмаганларга қарши жиноий ҳаракатлар билан боғлаган. Бироқ таъкидлаш керакки, ҳозирча бундай чеклов жорий этилгани йўқ — гап Ички ишлар вазирлигининг таклифи ҳақида бормоқда.

Масаланинг ҳуқуқий ва сиёсий жиҳатлари алоҳида таҳлил қилиниши табиий. Аммо бу хабарнинг биз учун яна бир, балки ундан энг муҳим жиҳати: хорижда ўзбек номини қандай олиб юрибмиз?

Албатта, бир неча кишининг қилмишига қараб бутун миллат ҳақида хулоса чиқариш тўғри эмас. Ҳар қандай жиноят учун жавобгарлик уни содир этган шахснинг зиммасида бўлади. Хорижда ҳалол меҳнат билан банд, қонунларга риоя қилаётган, ўқиб-изланаётган минглаб юртдошларимиз бор. Аммо бошқа ҳақиқатни ҳам инкор этиб бўлмайди: **мусофирликда ҳар бир ўзбекнинг хатти-ҳаракатини одамлар унинг шахсияти билан бирга, миллати ва ватани билан ҳам боғлаши табиий.**

Бир юртдошимиз ишхонада масъулиятсизлик қилса, иш берувчида ўзбекистонликлар ҳақида салбий тасаввур пайдо бўлиши мумкин. Кимдир жамоат тартибини бузса, унинг қилмиши шахсий муаммо бўлиб қолмай, бошқаларга нисбатан ишончга ҳам таъсир қилиши эҳтимол. Аксинча, ўз ишини сидқидилдан бажарадиган, қонунга ҳурмат билан қарайдиган, атрофдагилар билан хушмуомала бўладиган инсон юрти ҳақида ижобий таассурот қолдиради. Шунинг учун хориждаги ҳар бир ўзбекнинг хулқ-атвори — ўзига хос “ташриф қоғози” демакдир.

Кўпинча ватанпарварлик деганда, баландпарвоз сўзлар хаёлимизга келади. Аслида эса унинг энг оддий ва таъсирчан кўриниши инсоннинг кундалик хатти-ҳаракатларида намоён бўлади. Кўчага чиқинди ташламаслик, навбатга риоя қилиш, жамоат транспортида ўзини маданиятли тутиш, иш жойида берилган вазифани виждонан бажариш, бошқа миллат вакилларининг тили, дини ва маданиятига ҳурмат билан муносабат кўрсатиш айни тушунчанинг амалий кўринишларидир.

Бизнинг миллий тарбиямизда каттага ҳурмат, кичикка иззат, меҳмондўстлик, меҳнатсеварлик ва ор-номус каби тушунчалар азалдан қадрланган. Демак, хорижда юрган юртдош ана шу фазилатларни амалда намоён этса, у нафақат ўзини, балки шу қадриятларни ҳам кўрсатиб беради.

Хорижга чиққан кишининг қўлида паспорт бўлади. Унда исми, фамилияси, фуқаролиги кўрсатилган. Аммо инсоннинг ҳақиқий “ҳужжати” унинг хатти-ҳаракатидир. Сабаби, чет элликлар Ўзбекистоннинг тарихи ёки маданияти ҳақидаги бирор китоб ўқимаган бўлиши мумкин. Лекин сиз билан кечадиган суҳбат, бирга жойда ишлаш унда ўзбеклар ҳақида маълум тасаввур уйғотиши мумкин. Шу сабабли хориждаги ҳар бир юртдошимиз ўзидан сўраши керак: “Менинг бугунги хатти-ҳаракатимдан кейин мен ҳақимда қандай фикр қолади? Ўзбеклар ҳақида-чи?”. Бу савол оддий туюлиши мумкин. Аммо унинг ортида катта масъулият бор.

Хорижда ўзбек номини муносиб олиб юриш фақат қонунбузарликдан сақланиш дегани эмас. Бу — ҳалол меҳнат қилиш, касбини пухта эгаллаш, иш берувчининг ишончини оқлаш, берилган ваъдага вафо қилиш, ўзи билан баробар бошқаларнинг ҳуқуқини ҳам ҳурмат қилишдир.

Биз хорижда Ўзбекистонни танитиш ҳақида кўп гапирамиз. Миллий таомлар, ҳунармандчилик, тарихий обидалар, буюк аждодларимиз борасида сўзлаймиз. Буларнинг барчаси муҳим. Аммо мамлакатни танитишнинг энг оддий ва таъсирчан воситаси — инсоннинг ўзи.

Латвиядаги виза ташаббуси ҳали қарорга айланмаган. Унинг кейинги тақдири қандай бўлишидан қатъи назар, ушбу воқеа биз учун бир муҳим сабоқни эслатади: **хорижда юрган инсон ўз ҳаракати билан фақат ўз тақдирини эмас, юрти ҳақидаги тасаввурни ҳам шакллантиради.** Паспортимизда Ўзбекистон номи ёзилган экан, унинг ортида бутун бир халқнинг тарихи, қадрияти ва шаъни борлигини унутмаслигимиз керак.

ҲИДОЯТ БЕКАТИ

Сарварбек КАРИМОВ.
Сирдарё вилояти:

— Сотувчи бир хил маҳсулотни харидорга қараб турлича нархлаши, мисол учун, танишларга арзонроқ, бегоналарга ёки насияга олувчига қимматроқ сотиши шариатимизга тўғри келадими?

МАҲСУЛОТНИ ТУРЛИ НАРХДА СОТИШ МУМКИНМИ?



Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази:

— Аслида, сотувчи ва харидор ўртасидаги савдо ўзаро розилик асосига қурилиши лозим. Динимизга кўра, бир хил маҳсулотни турли харидорларга ҳар хил нархларда сотишда алдов, мажбурлаш ёки келишув билан бозор нархини сунъий ошириш каби омиллар бўлмаса, жоиз. Масалан, сотувчи нақд пулга олганга арзонроқ, муддатли тўловга олганга эса бироз қимматроқ сотиши ёки улгуржи ва чакана харидорларга турлича нарх белгилаши мумкин.

Аммо харидорнинг соддалиги, тажрибасизлиги ёки бозор нархларидан бехабарлигидан фойдаланиб, унга бошқаларга нисбатан анча қиммат сотиш макруҳ саналади. Динимиз савдода бағрикенглик, саховат ва инсофга чақиради. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам сотишда, сотиб олишда, ҳақини талаб қилишда бағрикенглик, юмшоқлик қилган кишининг ҳақига: ***“Сотганда, сотиб олганда ва ҳаққини талаб қилганда карамли бўлган кишини Аллоҳ раҳм қилсин”*** (Имом Бухорий ривояти), деб гўзал дуо қилишлари ҳам айнан шу маънони ифодалайди. Демак, савдо шарҳан дуруст бўлса-да, мўмин киши учун тақво ва мурувват юзасидан барчага имкон қадар бир хил ва адолатли муомалада бўлиш афзалдир.

ЎЗБЕКИСТОНДА БУНДАЙ ЖОЙ БОР...

Тупроқ сукут сақлайди, тарих эса унутмайди

Тупроқ бағрида минг йиллар давомида сукут сақлаган тарих... Ҳар бир топилма, ҳар бир қабр ва ундан чиққан ашё аждодларимиз ҳаёти, урф-одатлари ва қадимий анъаналари ҳақида бебаҳо маълумот бериши мумкин.

Нигина ШОЕВА.

Айни пайтда Шўрчи туманидаги “Озод” ёдгорлигида ана шундай муҳим археологик тадқиқотлар олиб борилмоқда. Маданий мерос агентлиги, Яҳё Ғуломов номидаги Самарқанд археология институти ҳамда Хитойнинг Шимоли-ғарбий университети Ипак йўли археологияси тадқиқот маркази ҳамкорлигида 2026 йил 15 августдан буён ёдгорликда қазув-тадқиқот ишлари давом этмоқда.



Ушбу сон саҳифаларидаги барча мақолалар матнини мусаҳҳиҳ Феруза ФУЗАЙЛОВА ўқиди.

“Озод” ёдгорлиги 2023 йилда Сурхондарё ҳавзасининг шарқий қирғоғида ўтказилган дала-қидирув тадқиқотлари жараёнида аниқланган. У Шўрчи туманидаги “Озод” маҳалласининг жануби-шарқида, машҳур Далварзинтепа ёдгорлигидан 6 километр жануби-шарқда жойлашган.

200x100 метр ҳажмдаги тепаликда 100 га яқин қабрнинг кузатилгани эса ушбу ҳудудда қадимда кечган ҳаёт тарзи ва дафн маросимлари ҳақида кенг кўламли илмий изланишлар олиб бориш учун катта имконият яратади. Тепаликнинг жануби-ғарбий қисмида 10 дан ортиқ қабр ўрганилмоқда.





Дастлабки тадқиқотлар натижаси қабрларнинг тузилиши ва улардан топилган ашёлар Сополли маданияти ёдгорликларига яқин эканини кўрсатмоқда. Таҳлил ҳамда топилмаларнинг қиёсий-типологик ўрганилиши ёдгорликни милоддан аввалги **1700-1500 йиллар** билан саналаш имконини бермоқда.

“Озод” ёдгорлигида бронза даврига мансуб **кўп сонли қабрларнинг аниқлангани** ушбу археологик масканнинг илмий аҳамиятини янада оширмоқда. Зеро, ҳар бир қабр — бу шунчаки археологик объект эмас. Унда маълум даврнинг ҳаёти, инсонларнинг дунёқараши, урф-одатлари ва дафн маросимлари мужассам. Шу маънода, “Озод” ёдгорлигида аниқланаётган қабрлар Сурхондарё ҳудудида қадимги дафн анъаналарининг шаклланиши ва ривожланиш босқичларини чуқур ўрганишда муҳим илмий манба бўлиб хизмат қилади. Бугун археологлар қўлидаги ҳар бир белкурак зарби билан гўё минг йиллик сукут пардаси бир четга сурилмоқда. Тупроқ остидан топилаётган ҳар бир ашё эса бизни узоқ ўтмиш билан боғлаб, аждодларимиз тарихининг номаълум саҳифаларини қайта жонлантирмоқда. Мазкур тарихий масканда қазув-тадқиқот ишлари айни пайтда ҳам давом этмоқда. Тарих эса ўз сирларини бирма-бир очишда давом этмоқда.

Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир:
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Дизайнерлар:
Лазиз Мейликов, Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис:
«MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ
Таҳририят манзили:
100192, Тошкент шаҳри
Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар:
71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри
Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Ўлчами: А2, 4 б.т.
8 309 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-920